БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 29 сентябрь Шанба
№ 186 (13.622). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Махсус сон № 9 (20)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!
КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА
ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ОРГАН ЦК ВЛКСМ ЦЕНА 3 КОП.

№ 9 (20) спец • выпуск

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖУМҲУРИЯТ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ МАРКАЗИ («УЗБЫТЦЕНТР»)ГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, янги иқтисодий муносабатларни, мулкчиликнинг турли шаклларини жорий этиш, хўжалик ташаббуси ва омилкорлик учун шарт-шароит яратиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли ва масъулиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жумҳурият давлат-кооператив маркази («Узбытцентр»)га айлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 25 сентябрь.

СССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

1990 йил 25 сентябрь. №—961. Москва, Кремль

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1990 ЙИЛ ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ СССР Министрлар Кенгаши қарор қилади:

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаб бўлган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар 1990 йил октябрь-декабрь ойларида СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ҳарбий хизматга чақириш кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақиришни кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақириқ ёшидаги катта гражданлар 1990 йил октябрь-декабрь ойларида СССР Қуролли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинларида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилсин.

СССР Министрлар Кенгашининг Раиси Н. РИЖКОВ.

СССР Министрлар Кенгашининг иш бошқарувчиси М. ШКАБАРДНЯ.



Задарё ноҳиясидаги «Правда» жамоа хўжалиги деҳқонлари 1850 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Улар ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтаришга азму-қарор қилишган. Ана шу режанинг амалга ошиши учун хўжаликнинг барча меҳнатчилари ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. 9-бригада механизатори Иброҳимжон Шодиқулов ана шундайлардан бири. У ғўза парвариши даврида 93 гектар майдонга ишлов берган эди. Ҳозир эса у пахта териш машинасини пахтазорга олиб чиқди. Унинг мақсади 170 тонна пахта хирмони уйиш.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

АГАР ЎЙИНГОҲГА КЕЛСАНГИЗ...

Ҳис қилишимизча, балиқчиликлар меҳмонларни интиқиб кутишяпти. Қарими, ёш — ҳамманинг суҳбати барибир бўлажак байрам ҳақида бўлади.

— Бугун бизда катта тантана бўлишини эшитдингизми? Унда икки рўзнома — «Ёш ленинчи» ҳамда «Ўзбекистон физкультурачиси»нинг ижодкор ходимлари, шоирлар иштирок этади. Давраларга хушовоз хонандалар файз киритармиш, деган гап ҳам бор.

Ўйлай-ўйлай байрам тартибига янги ўзгаришлар киритишга аҳд қилдик. Дарвоқе, халқ сайлида «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири Мирзааҳмад Алимов ҳамда сураткаш мухбир Сергей Киселев, «Труд» рўзномасининг Литва бўйича мухбири Гедеминас Кончюслар ҳам қатнашадилар.

Йиғинда нималар бўлади? Аввало меҳмонлар иштирокида Чинободда Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган 7 қаҳрамон ёдгорлиги очилади. Илгари хабар қилганимиздек, Тошкентдан келган меҳмонлар «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашларига ёрдам берадилар.

Эрталабданоқ 5-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари рўзнома аҳлини ўз хонадонларига таклиф қилдилар. Айтмоқчи, бу билим масканининг 400 нафар ўқувчиси янаги йилдаям «Ёш ленинчи»га обуна бўлиш истагини билдиришган.

Мезбонларнинг байрамда қайси санъаткорлар қатнашишидан озроқ хабарлари бор. Нега озроқ? Чунки уларнинг энг таниқлиларини сир тутдик.

Демак, бугун кимки ўйингоҳга келса бу сирдан воқиф бўлади. Ўша — жумҳуриятимизнинг икки нафар энг талантли ҳофизлари ҳозиргина Балиқчига келишди. Ранг-баранг қўшиқлар айтиб, халқни мамнун этиш ниятлари бор, уларнинг.

Қани биродарлар, даврага шошилинг. Йўқса суюкли хонандангизнинг севимли қўшиқларини эшитолмай қоласиз...

Қурбон АЛИ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ


Сурхондарё вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда жумҳурият комсомоли XXIV съездига делегатлар сайлаш, Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ҳамда МТК таркибига номзодлар кўрсатиш ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига жами 61 делегат сайланди. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси таркибига 15 ва Марказий Тафтиш Комиссияси таркибига уч номзод кўрсатилди.

Пленум Шеробод ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Баҳодир Хўжамқуловни вилоят комсомол қўмитасининг котиби-мафкура бўлими мудири этиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССЖ Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси А. Саидов ва вилоят фирқа қўмитаси тафтиш комиссияси раиси Ж. Иброҳимов ўртоқлар иштирок этдилар.

Мавзуга қайтиб

Гулмирзага ким ёрдам беради?



Йигитнинг қирқ мучаси бут бўлсин экан. Гурланлик Гулмирза адолатсиз урушда — Шўро Қўшинининг қўшини афғон тупроғидаги бемақсад ҳарбий хатти-ҳаракатларида мучасининг тенг ярмидан айри тушди — ҳар иккала оёғи, бир қўли ва яна бир қўлининг уч бармоғини мина юлиб кетди...

Калтабин сиёсатчиларнинг тарихда Напалеондек ном қолдириш орзуси қурбони бўлган йигитни — жабрдийда йигитни ҳукумат унутганича йўқ. Гарчи, қатор камчиликлари боис ҳали кўчиб ўтилмаган бўлсада янги уй солиб беришди. Узоқ-яқинларга юбориб, соғлигини мустаҳкамлаб туришда кўмаклашилаяпти. Етарли нафақа олади. Уйланди — оилалик бўлди. Машина ажратишди.

Аммо, буларнинг ҳаммаси одамларга ўхшаб, одим отиб юрган бир дақиқага тенг келмас экан.., Ўзимизда ишлаб чиқарилган ёғоч оёқ — протез турган-битгани азоб, ғалва. Уни кўтариб, судрашнинг ўзи бўладими? Яна ўта кетган даражада ноқулай. Борми-бор деб, деворга суяб қўйишга ярайди, холос...

Гулмирза эса аравачада юриш жонига тегиб кетган пайтлари ўқигани, эшитганларини эслайди. Орзу қилади, Капитал мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган, ҳар томонлама қулай, енгил, ҳатто электрон бошқариш мумкин бўлган ёғоч оёқдан биттани топиб беришса!...

Онаизорнинг ҳасратига қулоқ осиб, кўзингизни яширасиз. Ҳам уятдан, ҳам аламдан. Ахир кап-катта йигитни ҳожатхонага олиб борадиган онага осон тутманг. Онани эмас, йигитнинг ноқулай вазиятини ўйлаб кўринг...

Аскар отасининг ҳам ягона орзуси: ўғлига энг замонавий усулда ясалган чет эл ясама оёғидан топиб беришса. Ҳатто, барча харажатларини кўтаришга-да, рози...

Хўш, жабрдийда йигитга ким ёрдам беради? Ахир у шажараси Алпомишга бориб тақаладиган алп элнинг бир алп ўғлони эди-ку. Ўз оёғига ўзи болта урганича йўқ! Унинг ҳаммамиз қатори яшашга, одамдек қадам ташлашга ҳаққи бор-ку!..

Гурлан ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби Ф. Аминов: «Гулмирзага келиб-кетиб ваъда берадиганларнинг саноғи йўқ. «Хўп, хўп» деб қутилишса бўлгани. Сўнгги пайтда одам бориб, ҳол сўрашга изза ейдиган бўлиб қолди. Умидвор кўзларга нима дейсан?»

Вилоят байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар кенгашининг раиси С. Абдуллаев: «Биз имкони борича, қўлимиздан келган ишни қилаяпмиз. Яқинда вилоят агросаноат қўмитаси ажратган валюта ҳисобига Гулмирзага энг янги типдаги аравача олиб бердик. Ясамани эса биз ҳал қилолмаймиз...»

Хўш, ким ҳал қилади?

Рўзимбой ҲАСАН, «Ёш ленинчи» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: шу йил бошида ҳам рўзномамизда гурланлик Гулмирза Шеранов ясама оёқсиз қийналаётганини, маблағ сабабли унга чет элдан харид қилиш имкони йўқлиги... борасида ёзган эдик. Кутдик. Ўзгариш бўлмади. Турли идораларга сўровномалар жўнатиб, жавоблар талаб қилиш, вақт ўтказиш — энди мумкин эмас. Гурлан ноҳия комсомол қўмитаси жабрдийда йигитга чет элдан қимматбаҳо протез олиш учун ҳисоб жамғармаси очишга тайёр. Унгача ҳамёнида минглаб чет эл валютаси бор йирик корхона-ташкилотлардан бирининг саховатли раҳбарлари мадад қўлини чўзишига умид қилади...

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

XX аср қароқчилари

Қизиқ, ҳали ҳам қароқчилар борми? Ҳақиқий денгиз қароқчилари-чи? Ф. РОМАНОВСКИЙ.

Ҳа, хорижий ахборот агентликларининг хабарларига ишонадиган бўлсак, қароқчилар бор. Масалан, Хитойда, Буюк Хитой дарёси Янцзида қатнаётган савдо кемаларига рейс пайтида 73 марта ҳужум бўлган. Қароқчилар 163 тонна бензин ва дизель ёқилғиси, 657 тонна кўмир, 29 тонна турли минерал ўғитлар, миллион юанлик озиқ-овқат ва дон маҳсулотларини ўлжа олишган.

Қароқчилар ҳужуми одатда дарёнинг қуйи оқимидаги йирик порт шаҳарлари яқинида бўлади. Полиция уларнинг жуда мукаммал ташкилотчи эканликларини эътироф этади. XX аср қароқчилари жуда яхши қуролланишган, радио алоқа воситалари ва тезюрар кемалари бор. Яқинда улар савдо кемасини қисуага олиб, командадаги етти кишини ярадор қилганлар. 80 нафар қароқчи ярим соат ичида 20 тонна кўмирни ташиб олган ва номаълум томонга сузиб кетган.

Босмачиларнинг сўнггисимиди?

Шўро ҳукуматининг душманларидан бири, босмачи Раҳмонқулхоннинг вафот этганлигини эшитдим. Лекин қирғиз дўстим менга «У қаҳрамон эди...» деди. Унда Раҳмонқул ким бўлган? В. ЗУБКО. Владивосток.

Турк қирғизларининг йўлбошчиси Раҳмонқулхон бундан бир неча кун илгари 86 ёшида Туркияда вафот этди.

Назардан қолган собиқ босмачининг ҳаёти зиддиятлар билан ўтди. Келиб чиқиши Уш вилоятидаги машҳур қирғиз бойларидан бўлган Раҳмонқул дастлаб Шўро ҳокимиятининг тузилишига қаршилик кўрсатмаган. Лекин ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш ва оммавий қатағон йилларида у Жанубий Қирғизистонда қўзғолончилар ҳаракатига бошчилик қилди. Инқилобий отряддардан анчагина талофат кўрган Раҳмонқул 30-йиллар ўрталарида жанг билан Хитой сарҳадига боради ва Тянь-Шань тизмалари орқали ўзининг бир неча минг одами билан Синьцзянга ўтиб кетади.

Қочоқлар 40-йил бошларида Хитойдан кетишга мажбур бўлишади. Бу гал Афғонистонга бориб, Помир тоғларида қирғиз хонлигига асос солади ва унда Раҳмонқулхон деярли қирқ йил ҳукмдорлик қилади.

Раҳмонқулхон 1978 йилги Саур инқилобини тан олмайди. Тез орада унинг аскарлари «Афғонистондаги чекланган Шўро қўшинлари» қисмлари ва халқ армияси билан жанг қилади. Кучлар тенг эмасди ва Раҳмонқул тўрт минг ишонган аскарининг оила аъзолари билан бирга бутун лаш-лушларини йиғиб, у 1979 йилнинг декабрида яна жанг билан Покистон сарҳадидан ўтади.

Покистоннинг иссиқ иқлими тоғлик кўчманчиларга ёмон таъсир қилади. Лекин Раҳмонқулхон америкаликларнинг АҚШ билан Канада сарҳадига кўчиб ўтиш ҳақидаги таклифларини рад қилади. Шунда Туркия ҳукумати қирғизларга ўз ҳудудидаги тоғли ўлка Ван кўли ноҳиясидан жой ажратиб берди. Бу ноҳиянинг табиати ҳам, иқлими ҳам, тили ва дини ҳам яқинлиги туфайли у Раҳмонқулхонга ўзининг жонажон Қирғизистонини эслатарди. Жамоа қочоқлар мақомини олади ва БМТ ҳамда Туркиядан моддий ёрдам олди.

Мавжуд бўлган маълумотларга қараганда, хондан етти фарзанд қолган. Унинг бир нечта ўғли иқтидорли рассом ва ҳайкалтарош бўлиб етишган.

Марҳумнинг қариндош-уруғларига Афғонистондаги, Иорданиядаги, ГФЖ ва Покистондаги, АҚШ ва Австралиядаги қирғиз жамоалари таъзияномa изҳор қилдилар. Қасоскор хоннинг ватанида эса — жимжитлик. Фақат «Советтик Киргизстон» рўзномасигина бу ҳақда кичкинагина хабарча чоп этган.

Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, бегона юртда вафот этган Раҳмонқулнинг тириклигидаёқ афсонага айланган номи Қирғизистон тарихидан ўрин олади.

Рекорд кимга тегишли?

Ҳаммадан кўп ким одамларни ўлдирган? Бундай рекорд кимга тегишли? У қайд қилинганми? М. МИНЬКОВ. Москва.

Ҳа, шундай рекорд қайд қилинган. Қаерда? Яқинда мамлакатимизда чоп этилган «Гиннеснинг рекордлар китоби»да.

Мао Цзедун даврида 1949 йилдан то 1965 йилгача 26.300.000 хитойлик йўқ қилинган. Солженицининнинг маълумотига кўра, 20-50-йилларда мамлакатимизда 66.700.00 киши ҳалок бўлган. Гитлер геноциди қурбонлари 5.800.000. Пол Пот буйруғи билан саккиз миллионли Кампучия аҳолисининг учдан икки қисми йўқ қилинган. «Гиннеснинг рекордлар китоби» жиноятлар дунёсида Деннис Эндрю Нильсен ажралиб туради. У 1978—1983 йилларда Буюк Британияни террор қилган ва шахсан ўзи ўн беш кишини ўлдирган.

Дарвоқе, «Китоб»да Ер юзида одамлар бир-бирини ўлдирмайдиган учта жой борлиги ҳам қайд қилинган. Булар Мальдив ороллари, Ҳиндистондаги Сикким штати, Кашмир шаҳарларидан бири. Бу ерда аср бошидан бери фақат биттагина қотиллик қайд қилинган.

Гап мускулда эмас

Аёлларга эркакларнинг нимаси ёқади? Л. БАРАНОВА. Киев.

Бу саволга «Виллидж войс» нашриёти АҚШ аҳолиси ўртасида тарқатган анкета натижалари жавоб бўлиши мумкин.

Эркакларнинг фикри қуйидагича:

кенг елкали, кўкрак қафаси ривожланган — 21 фоиз,
баланд бўйли — 13 фоиз,
сон — 4 фоиз,
кўз — 4 фоиз,
келишган қомат — 1 фоиз.

Мана, аёлларга нима ёқади:
сон — 39 фоиз,
баланд бўй — 15 фоиз,
кўз — 11 фоиз,
келишган қомат — 5 фоиз,
кенг елкали, кўкрак қафаси ривожланган — 1 фоиз.

Мактаб медалида олтин борми?

Маълумки, ўрта мактабни аъло баҳолар ёки иккита тўрт билан тугатганлар «Ўқишда ва меҳнатда аъло муваффақияти ва намунали хулқи учун» олтин ва кумуш медаль олишади. Ленинграддаги зарбхонанинг бош технологи бизга медаллар мисдан ясалишини ва кейин у олтин ёки кумуш суви билан қопланишини маълум қилди. 1986 йилда ўрта мактаб битирувчиларига кумуш медаль бериш қайта тикланди. Ломбардда эса уни олишга хоҳиш йўқ.

Ўз мухбиримиз устуни

Келажак

Мирзааҳмад АЛИМОВ, «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири.

Ўтган галги мақоламда мен, азиз муштарийлар, Литвага бўлган сафарим, бу жумҳуриятнинг иқтисодиёти бошидан кечираётган қийинчиликлар, [illegible], дўконлардаги бўш пештахталар ҳақида гапириб берган эдим...

Хизмат юзасидан яқинда бутун мамлакат сиёсатига катта таъсир кўрсатаётган бу Болтиқбўйи жумҳуриятида яна бўлишга тўғри келди. Литва ҳукумати ва парламенти ҳеч қандай қийинчиликка қарамай СССР билан музокарлар олиб боришни талаб қилмоқда. Бироқ, бу орқага суриб келинмоқда...

Хўш, Литвада нималар бўлди? Дўконларда моллар янада камайиб кетибди, одамлар бор нарсанинг ҳаммасини олиб кетишаётир. Сиёсий ҳаёт кескинлашган, бироқ миллатчилик ҳоллари унчалик кўп эмас. Кейингиси жуда муҳим. Миллий низоларнинг аччиқ тутуни мияларни заҳарлаб, кўзларни кўр қилиб қўйса, бегуноҳ одамларнинг қонлари тўкилиб, болалар оч қолишларининг гувоҳи бўлганмиз. Литва ҳақида «Комсомолка» учун ёзган репортажим тайёр. Энди мен литвалик ҳамкасбим Гедиминас Кончюс Ўзбекистонимиз, халқимиз, истиқболларимиз тўғрисида қандай фикр билдиришини кутмоқдаман. Шу кунларда у кўпчилик ўзбекларнинг меҳмони бўлиб турибди. У ҳали нималар билишини билмайман-у, лекин бозорларимиз ёққанини аниқ айтоламан: «Сизда ҳақиқий тўкин-сочинлик экан!», — ҳайратини яширмади ҳамроҳим.

Нафақат Литвада, балки Иттифоқда ҳам таниқли ижодкор — Кончюс билан (у «Комсомолка»нинг ўз мухбири бўлган, ҳозир «Труд»да ишлаётир) биз Ўзбекистонга Москва орқали учдик.

Москва ёмғир билан кутиб олди. [illegible] дўконларда шакар, совун, тамаки, арақ у ёқда турсин, гуруч, ун сингари маҳсулотларни ҳам топиб бўлмай қолди. Гўшт, сут маҳсулотлари гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб қолади. Кейин навбатларда сал нарсага москваликлар ва пойтахт меҳмонлари ўртасида жанжал чиқиб кетади (кейингиларга махсус ҳужжат йўқ: Москва пропискасисиз мол сотилмайди).

Шунга қарамай пойтахтда ҳар куни митинг. [illegible]

Тайёрагоҳда такси олламиз, дегандик, ҳайдовчи:

— Икки килограмм тўлайсиз, — деб қолди.

— Нима? — тушунмадик биз.

— Бир кило гўшт бозорда 25 сўм, мен эса, — изоҳ берди у, — икки кило гўштга тўласаларинг бўлди, деяпман-да. Бизда ҳам бола-чақа бор.

Бизнинг келажагимиз, агар таҳдид солаётган хавфни тўла англаб етмас эканмиз, жуда ачинарли ва фожиали бўлиши мумкин.

Бироқ, мен жумҳуриятимиз эртанги куни порлоқ бўлишига жуда ишонгим келади. Бу йўлда жумҳуриятимиз ҳукумати ҳам, Президентимиз ҳам кўп меҳнат қилишаётганини эътироф этишимиз даркор. Ахир «Ташинтерм» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасининг термослари бугун бутун мамлакатда оммалашиб бораётганидан хурсанд бўлмаслик мумкинми? Ахир, енгил саноат ва тўқимачилик институтининг 200 талабаси Америка дорилфунунига ўқишга кетгани умид бахш этмайдими? Ўз меҳнатларининг қадрини биладиган, болаларининг келажаги учун тер тўкаётган деҳқонларимиз порлоқ келажакдан дарак беришмайдими?

Йўқ, мен хаёлпараст эмасман. Аксинча, халқимизнинг аксарият қисми камбағал яшаётганини кўриб турибман. Биламан, болаларимиз шароити йўқ, ночор ҳолатдаги мактабларда ўқишмоқда. Ҳақиқий демократия ва ошкоралик жумҳуриятимизда энди-энди оёққа туряпти.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига чин дилдан ишонаман. Чунки у бизнинг қўлимизда. Шунинг учун барча кучларимизни шу олий мақсад сари йўналтиришимиз керак.

«Комсомольская правда»нинг Тошкентдаги мухбирлар нуқтаси сиздан Ўзбекистоннинг келажагини қандай тасаввур қилишингизни ёзиб юборишни сўрайди. Жумҳуриятимиз гуллаб-яшнаши учун, сизнингча, ним қилиш керак? Фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Манзилимиз: Тошкент, 700000, ГСП, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41. «Комсомольская правда» мухбирлар нуқтаси.

БИР ЙИЛНИНГ ЮЗ КУНИ

Борис Ельциннинг РСФСР Олий Шўроси Раиси бўлганига 100 кун бўлди

Май ойи. РСФСР халқ депутатларининг биринчи Съезди Василий Иванович бошчилигида Россиянинг суверенитети хусусида баҳслашишмоқда. Фикрлар оламжаҳон, лойиҳалар — сон-саноқсиз, муроса — йўқ. Ўша кунлардаги репортажларимдан бирида мен келажакни башорат қилмоқчи бўлгандим. Россия суверенитети тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши шу пайтгача яшаб келган қайта қуриш сценарийсига хотима ясайди, ундан кейин янги тарих бошланади деб ёзган бўлсам ажаб эмас. «Суверенитет тўғрисидаги декларация ва уни ҳаётга тадбиқ этадиган етакчи бўлса бўлгани».

Ўшандан бери орадан уч ой ўтди. Россия Федерацияси унисига ҳам, бунисига ҳам эга. Хўш, нима бўляпти? Янги тарих бошланди.

ИККИНЧИ КЎТАРИЛИШ

Борис Ельциннинг гапига ишонадиган бўлсак, ишонмаслик учун эса менда ҳеч қандай асос йўқ, унга, 1987 йилнинг охирида КПСС Марказий Қўмитасининг Пленумида «сиёсий хато»га йўл қўйган ва юксак фирқавий вазифалардан озод қилинган кишига Бош котиб қўнғироқ қилиб СССР Госстройида ишлашни таклиф қилиб шундай деган: «Қўлингдан нима келса шуни қил; аммо мен сени иккинчи марта сиёсатга яқин йўлатмайман». Афтидан ҳаммаси шундай бўлган бўлса керак. Уч йил олдин. Шуни таъкидлаш жоизки «яқин йўлатмаслик» ҳақидаги ваъда қадамбақадам бажариб келинди.

Бироқ 1990 йил 29 майда, РСФСР Олий Шўросининг Раисини сайлаш куни мамлакатимиз тарихи Биринчи Шахснинг шахсий иши бўлишига хотима берилди ва у ўзининг табиий йўлига тушиб олди. Депутатлар Ельцинни сайлашди — чўзилиб кетган тарихий драма поёнига яқинлашди.

Мен ушбу фактни шунчаки «ўтган кунлар»ни эслаш учунгина тилга олганим йўқ. Мен умуман унинг икки етакчининг шахсий муносабатлари тарихи деб қаралишига қаршиман. Мазкур воқеа бошқа тарафдан қимматлироқдир. Ахир Ельцинни яна ҳокимият чўққисига олиб чиққан нарса фақат унинг шахсий хусусиятларигина эмас, шу билан бирга 1990 йилнинг майигача пишиб етилган воқеалар ҳамдир. Қандай жараёнлар?

Қайта қуриш «юқори»дан келди. Ўйлайманки, буни, шунингдек, демократия, ошкоралик, фикрлар хилмахиллиги деган нарсаларни ҳам шўро халқи тоталитар тузумга қарши курашиб қўлга киритмай, балки, «ҳоким»лардан тайёр ҳолда олганлигини ҳам исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Қайта қуришдаги асосий зиддият ҳам мана шунда: демократия (яъни халқ ҳокимияти) сари ҳаракат халқ томонидан эмас, балки Бош котиб ўйлаганидек бошланди. У қайта қуришнинг «мотори» эди, ғояларни ҳам у берарди ва хатога ҳам унинг ўзи йўл қўярди. Буларнинг ҳаммаси демократиялаштириш деб аталарди. Ваҳоланки, «подшо эмас, худо эмас, қаҳрамон эмас», балки халқнинг ўзи йўл танлаб, қандай мақсадлар ва кимнинг раҳбарлиги остида қандай яшашни ҳал этса, ўшандагина демократия бўлиши мумкин. Халқ ўзини вазиятнинг эгаси деб ҳис этмоғи лозим.

1985 йилда иложи бўлмаган нарса орадан беш йил ўтгач амалга ошди: РСФСР Олий Шўросининг янги Раисини сайлаш куни Ельцин эмас, балки ҳокимият учун қонуний ҳуқуқини даъво қилган халқ ғолиб чиқди.

КАССАНДРА МЕРОСИ

Айтишларича жумҳурият парламентининг янги бошлиғи ўз ўтмишдоши Виталий Воротниковдан ишни қабул қилиб олаётганида ичига ҳужжатлар солинган юпқагина папка олган экан ва бир соатга қолмай ҳаммаси билан танишиб чиққан. Дарвоқе қоғозлар ўнинчи даражали иш. Аммо кундалик ва реал ишларни ҳал этиш мушкул вазифа.

Ўтган йилнинг сентябрида катта шов-шувга сабаб бўлган Америка бўйлаб сафарида Ельцин орадан бир йил ўтгач ўз мамлакатида ҳалокат бўлиши мумкинлигини башорат қилганди. Аммо у ўзи «белгилаган» ҳалокат пайтига келиб ҳокимият мажбуриятларидан озод бўлган оппозициячи эмас, балки мамлакатдаги энг йирик жумҳурият парламентининг бошлиғи бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. «Қайта қуриш Касандраси» — Ельцинни америкалик ҳамкасбларим шундай деб аташганди — ўз башоратининг асири бўлиб қолди.

У «эски гвардия» давлатни бошқара олмай, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг кўпгина имкониятлари бой берилган, қилинган меҳнатинг баҳоси бир қути «Мальборо»га тенглашган, дўконлар пештахтасидаги истеъмол моллари ҳили бармоқ билан санарли даражада қолган бир пайтда ҳокимиятни қўлга олди. СССР Давлат ҳисоб қўмитаси маълумотлари меҳнат унумдорлиги, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва миллий даромад камайганлигини, инфляция, ташқи савдодаги фарқ ва ҳукумат қарзи ўсганлигини кўрсатиб фалокатга бир қадам эмас, балки бир неча сантиметр қолганлиги тўғрисида огоҳлантирмоқда.

Россия парламентининг бошлиғига одатдагидек: бугун — қонунлар, эртага — яхшилик томон ўзгариш тарзида ислоҳот ўтказиш учун заррача имкон қолгани йўқ. Лекин мўъжиза юз бериб ҳамма муаммолар якшанбадан душанбага ўтар кечаси ўз ечимини топмаслиги ҳам равшан. Нима қилиш керак?

«Даҳолик — худо марҳамати эмас, балки мушкул вазиятдан чиқишдир» деган экан француз файласуфи, вазиятнинг мушкуллиги кўриниб турибди. Россия янги раҳбариятининг даҳолигига келсак бунга биз фақат унинг ҳозирги чиғириқдан, гарчи бунга ўз айби билан тушмаган бўлсада, ўтиб олгандагина ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Демак ҳамма гап вақтнинг бор ёки йўқлигида. Россиянинг янги парламенти ва унинг бошлиғи дастлабки 100 кун мобайнида болалар китобидаги тунни амаллаб ўтказса, кундузи амаллаб чидаб берса — деган масалага ечим излади.

ИШОНЧ КОМАНДАСИ

Сиёсат—команда ўйини. Борис Ельциннинг обрўси қанчалик юқори бўлмасин иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш туфайли пайдо бўладиган ижтимоий ғалаёнлар пайтида у ҳам камлик қилиши мумкин. Афтидан Ельциннинг ўзи ҳам буни яхши тушунади. Шу боис иқтисодиётни дарҳол соғломлаштириш имкони йўқлигидан руҳий омилга зўр бермоқда: халқнинг Россия ҳукуматига бўлган ишончигина ислоҳот ўтказиш учун зарур бўлган вақтни бериши мумкин. Ва Ельцин ўз командасини уч хусусиятга асосланиб туза бошлайди: билимдонлик, обрў-эътиборлилик ва ёшлиги.

Гарчи вазирлар кабинетини шакллантириш Вазирлар Кенгаши Раисининг тасарруфида бўлсада вазирлик вазифаларига номзодларни танлашда Ельциннинг сезгирлиги ва майли ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Иттифоқ ҳукуматининг беобрў чора-тадбирларини кескин танқид қилиб эътибор қозонган, кўпгина муқобил лойиҳалар муаллифлари бўлган Геннадий Фильшин, Виктор Ярошенко, Николай Федоров, Виктор Кисин, Михаил Полтаранинлар сўзсиз Ельцин командасига қўшимча «очколар» келтиришмоқда.

Ёш омили ҳам аниқ ҳисобга олинган. Қариялар ҳукуматидан турғунлик давридаёқ ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлганлигини билган Ельцин эски «ўлчовлар» бўйича «жуда ёш» бўлганларни ҳукуматга тортади.

Шу ҳам иш бўпдию, дейишингиз мумкин. Аммо фақат бир гуруҳ сайловчиларнинг фикринигина ҳисобга олиб иш кўрадиган бўлса Ельцин Ельцин бўлмасди. Эски аппаратчи тажрибаси ва сиёсий сезгирлик унга ҳукуматни фақат севиклилар-у парламент демократияси юлдузларидан тузиб бўлмаслигини айтиб турарди. У бир бирига қовушмайдиган нарсани қовуштиришга интиларди — ҳукуматнинг бир қисмига эски ҳокимият структуралари бутунлай ёт бўлмоғи, иккинчи қисми эса давомийликни таъминлаши лозим эди. Ҳукумат ишига гарчи маъмурий буйруқбозлик системасининг вакили бўлсада, лекин тажрибали, порахўрлик ва бемаъни «аср лойиҳалари»да қатнашмаган кишилар жалб қилинди.

Шу тариқа биринчи марта Қадимий майдондан бемаслаҳат тузилган сазовор бўлган кишиларга ҳам иккиқилишга тайёр эди. Шундай бўлсаРоссиянинг янги ҳокимияти ҳаракатда... «Ҳатто бизга, халқ ишончига уч йил давомида одамларни тинчитиш жуда қийин бўлади». Б. Ельцин Швейцария рўзномаларидан бири билан бўлган мусоҳабада вазиятни шундай баҳолаганди.

ИЛОНДАН САЛОМ

Ҳокимиятни олиш бошқа-ю, уни халқни бойитиш воситасига айлантириб сақлаб қолиш бутунлай бошқа: суверинитет тўғрисида баёнот бериш бошқа-ю, бу баёнотни реал мустақиликка айлантириш бутунлай бошқа, сиёсатчи учун ечиш қийин бўлган масала. Парламентнинг янги бошлиғи Россия депутатларининг биринчи съездида «а» деганидан сўнг бу сиёсий тенгламанинг иккинчи қисмини ҳам ечиб «б» дейиши керак эди.

Умуман олганда ҳокимият нима? Доимо фирқа ҳокимиятни Шўроларга топширяпти, марказ эса ҳокимлик ҳуқуқларини жумҳуриятларга беряпти дейишади. Қанақасига? Бу гап менга бир мультфильмдаги воқеани эслатади. Маймун Филнинг олдига келиб «Мен сенга Илондан катта салом олиб келдим» дейди «Уни тезроқ менга бер» дейди қувониб Фил. У тўғри ва амалий фикрларди, шунинг учун ҳам Маймуннинг қўли бўшлигини кўриб хафа бўлади. Ҳокимиятни топшириш ҳам шунга ўхшайди. Жумҳурият ва Шўролар «Бер!» деб қичқиришади. Жавобига эса ҳаво олишади. Яъни сизларга — ҳокимият («Илондан салом»), бизга эса — босмахоналар, банклар, олтинлар ва бинолар. Ҳокимият эса сизларники. Фойдаланаверинглар.

Йўқ, Россиянинг янги раҳбарияти ҳам амалиётчи. Унинг учун ҳокимият декларация матни ёзилган қоғоз эмас, балки, аниқ ҳаракатномадир. Ҳеч нарсаси бўлмай туриб ўз халқига бирор нарса бериш мумкин эмас.

Шундай қилиб ҳокимият — мулк, мулк эса жумҳурият қўлидадир. Агарда қаердадир нимадир кўпайса қаердадир ўша нарса камаяди деган қонуният бўлмаганида эди, ҳеч қандай муаммо ҳам бўлмасди. Демоқчиманки, Россиядаги суверен ҳокимият қанчалик кучайса, марказий ҳокимият шунчалик кучсизланади.

Марказ Болтиқбўйининг Россияникига ўхшаган суверенитет тўғрисидаги Декларацияларини нақадар нохушлик билан кутиб олгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Украина ва Белоруссия ҳам Россияга эргашди. Жумҳуриятлар ва марказ ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгарди: илгари СССР Президентининг фармони билан битта жумҳуриятнинг декларациясини бекор қилиш мумкин эди, аммо бутун мамлакатни бекор қилиш бўлмағур ишдир. Шунда сиёсий курашнинг бутун оғирлиги у ёки бу қонун устига кўчди. Бу айниқса «олмос иши»да яққол кўзга ташланди.

Эслатиб ўтаман: августнинг ўрталарида РСФСР Олий Шўроси иттифоқ ҳукуматининг Россия маъмурлари билан келишмай ва жумҳуриятнинг иқтисодий суверенитети зарарига Ғарб билан тузган битимини ноқонуний деб топди. Бу қарор аввалambor Россиянинг ишлов берилмаган олмосларини «Де Бирс» компаниясига сотишга таалуқли эди. (Биз бу ҳақда рўзномамизнинг 31 август сонида ёзгандик).

Фикримча, бу ёш ҳокимиятнинг дастлабки «100 куни» даги энг жиддий синов бўлди. Билмадим, кейин, ёпиқ эшиклар ортида ўтган ва деярли беш соат давом этган учрашувда М. Горбачев ва Б. Ельцин нималар ҳақида гаплашишди экан, аммо кўп ўтмай улардан бири матбуот конференциясида «бундай сиёсий кўнгилсизлик бошқа қайтарилмайди» деди. Мақсаднинг жиддийлиги синовдан ўтдими?

ҲАМ ПАПА, ҲАМ ЛЮТЕР

«Монд»нинг Москвадаги мухбири Б. Гетта назарида Горбачевнинг беш йиллик қайта қуриш даврида сақланиб қолган қарама-қарши ҳолатини жуда тўғри баҳолаганди: «У бир вақтнинг ўзида ҳам Рим папаси, ҳам Лютер».

Қайта қуриш ташаббускори мамлакатда ўзига тенг келадиган сиёсатчи йўқлиги учун яккаҳокимликка маҳкум эди. Бу ҳол сиёсатчи учун истиқболсизгина бўлиб қолмай, мамлакат учун ҳам хавфлидир. Эртакчи Шварц ҳамма инқилобчиларни огоҳлантирганди: аждарҳони ўлдириш ва ўзинг аждарҳога айланмаслик жуда мушкулдир. «Тоталитаризм вайроналари устига янги кўринишдаги» тоталитаризм ўрнатмай туриб якка ўзинг уни тугатишинг ғоят қийин. Бундан қутилишни бирдан бир йўли — демократиядир. Бироқ бир-бирига тенг бўлган икки томоннинг сиёсий мулоқотисиз демократия институтлари «ишламайди».

Сиёсий майдонда Ельциннинг пайдо бўлиши ва унинг дастлабки «100 кун»да ҳокимиятни мустақил бошқара олишини исботлаши мамлакатдаги вазиятни тубдан ўзгартирди.

«Катта ва кичик халқлар бўлмаганидек катта ва кичик президентлар ҳам бўлмайди» деб қайтаришни яхши кўради РСФСР Олий Шўросининг Раиси. Россия парламенти бошлиғининг мазкур янги таълимоти жумҳуриятлар ва марказ ўртасидаги ўзига хос ҳимоя воситаси ролини ўйнаб кечагина ярим мустамлака ҳолида бўлган иттифоқдош давлатлар бошлиқларига бошқача, янада юксакроқ бўлган мақом бермоқда. Зўравонлик позициясидан воз кечиш Иттифоқ шартномасини, тенглар шартномасини тузиш учун ниҳоятда қулай вазият яратмоқда.

Россия Федерациясини қайта тузиш ҳам худди шу таълимотга асосланади.

ИСЛОҲОТ ФОРМУЛАСИ

Ишонч. Изчиллик. Мулоқот.

Бу уч сўз Россиядаги ислоҳотларнинг мазмунини белгилайди. Ана шу формуланинг ечилиши Россиянинг мутлақо янги тарихини бошлайди. Мен бошиданоқ ҳаммаси яхши ва осон кечади демоқчи эмасман. Мен тарихимизни доҳийларнинг даҳолиги эмас, иқтисодий қонуниятлар бошқаради, уни ҳаракатга келтирувчи ҳам инқилобий ташаббускорлик эмас, балки унинг ўзи бўлади демоқчиман.

Фикримча Россияда инқилоб бўлди дейиш ҳам мутлақо нотўғри. Ватанимиз бошига кўп мушкулотлар солган инқилобий ўзгаришлар эмас, балки изчиллик ва собитқадамлик билан амалга ошириладиган ислоҳотлар даври келди.

Степан КИСЕЛЕВ.

(Мақола айрим қисқартиришлар билан чоп этилмоқда).




Дастурхонимиз ширинликларга тўлсин!

Янгийўлдаги «Лаззат» ширинликлар фабрикасининг маҳсулотларидан ким тановвул қилмаган дейсиз? Лекин тўғриси кейинги пайтларда бу фабриканинг маҳсулотлари ҳам дўкон пештахталарида ноёб бўлиб қолди.

— Жамоамизнинг холис ниятлари кўпроқ меҳнат қилиб халқимиз дастурхонини ширинликларга тўлдириш,— дейди биз билан суҳбатда фабриканинг илғор қизлари Мастура Йўлдошева, Зуҳра Ҳайдарова ва Вазира Жўраевалар.

Жилмайиб турган бу қиз Наида Жаффарова. Икки йилдан бери фабрикада фаолият кўрсатмоқда. Наиданинг нияти холис: «Элимизда омонлик бўлсин! Халқимизнинг дастурхони ҳар куни байрамлардагидек ширинликларга тўлиб-тошсин».

Е. БОТИРОВ суратлари.



ЖАНОБ БОКНИНГ БОЛЬШЕВИКЛАР МАМЛАКАТИДА БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

— Мана бу белги нимани англатади? — жаноб Бок қўлини рулдан олиб бош бармоғи ва жимжалоғини икки ёққа чўзди.

Мен томоғимга чертдим:

— Ичишни.

Суҳбатдошим қаҳқаҳа отиб кулди.

— Улар менга кеча шундай кўрсатдилар, — Бок ташқарига, йўл четидаги ходалар устига жойлашиб эринчоқлик билан карта ташлашиб ўтирганларга ишора қилди. Улар эса капиталистдан бепул ҳеч нарса олиб бўлмаслигини тушунишган шекилли биз томонга қиё боқиб ҳам қўйишмади.

Икки ой илгари, биринчи марта учрашганимизда, Бок бунчалик ўзига ишонган эмас эди. Ўшанда у ҳаммага хадиксираб қарар, бутунлай нотаниш шароитда ўзини йўқотиб қўйгани кўриниб турарди. Тўғри-да, дейлик, у ёки фон Лирэ нега тракторни далага ташлаб кетиш ўрнига бир неча чақирим йўл босиб, ёнилғи сарфлаб, вақт йўқотиб гаражга олиб бориши керак? Ахир бировнинг молига ким ҳам тегинарди, шундаймасми? Йўқ, шундаймаслигига у уловини далада қолдириб кетган куннинг эртасигаёқ амин бўлди: чаққон йигитлар тракторнинг ойналари-ю, тамғаларини ўмариб кетишганди. Ёки бошқа мисол — нега хўжалик идораси ёнидаги тахтага одамларнинг суратлари осиб қўйилган, нима улар қидирилаётган жиноятчиларми? Йўқ, аён бўлишича — улар шу ернинг энг ҳурматли кишилари экан. Ҳа, мана шунақа, аввалига голландиялик фермерлар кўп нарсаларни ҳазм қилолмай юришди, қолаверса, бизнинг деҳқонлар ҳам ҳар соатда чекиб олишни сўрайвериб қон қилиб юборишди.

Энди эса жаноб Бок бирор нарсани тушунолмай қолса, ўйлаб ўтирмай қўл силтайди. — «Сошиализмус»...

Умуман ғоя ёмон эмасди: икки йилга хўжаликка голландиялик фермерлар таклиф қилинди, уларга ер, яшайдиган жой, техника ажратилди, токи улар ўрис мужикларига ҳақиқий фермер хўжалиги нима эканлигини бир кўрсатиб қўйишсин. Кейинчалик, агар тажриба муваффақиятли чиқса, маҳаллий аҳолидан ҳам ўнлаб хўжаликлар тузиш мумкин бўларди.

Голландия қишлоқ хўжалик вазирлиги ва «Агрика» фермерлик иттифоқи шўроларнинг бу таклифини яхши қабул қилишди. Шартнома имзолашни ҳам кутиб ўтирмай — чунки экиш мавсуми бошланиб қолган эди — Подмосковьега фермерлар ўртасида обрўли кишилардан Вайнонд Бок ва Вима фон Лирэни юборишди. Биринчиси, ўз еридан мўл-кўл сабзавот ҳосил олиб, обрў қозонди. Иккинчиси, картошка етиштириш бўйича «Агрика»да энг кўзга кўринган мутахассис эди. Икки йил Танзанияда қишлоқ хўжалиги маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келган.

«Африкада осонроқ эди. — деганди кейин у бир суҳбатимизда. — Бу ерда сен миллион сўминг бўлса ҳам қийналиб қоласан. Ҳамма жойда бир гап: «эртага келинг».

Бу «эртага» роса бир ой чўзилди, ниҳоят фермерлар талабалар ётоқхонасидан ваъда қилинган уйларга кўчиб ўтдилар ва шартномадаги «Нива»ларни олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, иш бошланди. Биз томондан уларга Александр Николаев ва Игорь Евсеев кўмаклашиб туришди. Иккаласи ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида олий маълумотга эга. Иккаласи ҳам омади чопмаган собиқ ижарачи. Ўтган йили ер олиб маккажўхори етиштиришганди, давлат хўжалиги бухгалтериясидан ҳақларининг ярмисини ҳам олишмади. Бухгалтерияда «ҳали ҳам ортиқча бериб юбордик, қаерга борсаларинг бораверинглар, гап тамом» деган жавоб бўлди. Боякишлар, энди ижара деган балога қўл урмаганимиз бўлсин, деб қасам ичмоқчи бўлиб туришганди, кутилмаганда ижаранинг «пирлари» билан ишлаш имкони пайдо бўлиб қолди...

Ҳукуматга ҳам балли, меҳмонларнинг ҳамма истакларини бажо келтирди: трактор, сеялка, дори пуркагич, уруғлик дейсизми — хуллас нимаики керак бўлса, сотиб олиб берди — ўрис деҳқонлари ҳам картошка билан карамни тараққий этган усулда етиштиришни ўрганишсин-да, ахир!

Далада фермер билан суҳбатлашарканман, голландиялик журналистларга ачиниб кетдим. Чунки у ерларда меҳнат қизиган паллада фермерлардан бир оғиз сўз олиш мўмиёланган миср фиръавнини гапиртириш билан тенг. Ҳамма иш дақиқаларгача ҳисоб-китоб қилинган. Сал чалғисанг бас даладан дўконгача бўлган узлуксиз конвейер издан чиқиб кетади. Биз эса жаноб Бок билан далада термосдан қаҳва ичиб суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бошқа нимаям қилишсин. Ҳосил мўл-кўл, олиб кетишга улов йўқ. Ҳа, бу Голландия эмаски, сабзавот омбори фермангнинг шундоқ биқинида бўлса. У ёқ бу ёққа 15 чақиримдан йўл босиб келгунингча, қарабсанки кеч тушиб қолибди.

Шартнома муаллифлари ҳамма нарсани кўзда тутишган — уруғлик ҳам, техника ҳам бор. Фақат ер... «четники» эмас-да. Ёввойи ўтлар шу қадар томир отганки, шўрлик голландияликлар ҳар ярим соатда комьютерлик агрегатларини тўхтатиб, унинг тишларини оддий ёғоч билан тозалашга мажбур бўлдилар. Афсуски, шароит — йўллар, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам «четники» эмас, ўзимизники.

Голландияликлар гарчи натижалар қандай бўлишидан қатъи назар ўзларига тегишли 70 минг долларни олишса-да, қаттиқ ишладилар. Эрта тонгдан ярим кечгача тиним билишмади. Мистер фон Лирэ икки ҳафтага уйига кетганида «Агрика» фирмаси ўз вақтида унинг ўрнига бошқа одам топди. Техника тайёрлаб берган фирма эса Шўро Иттифоқига хизмат кўрсатиш учун махсус тузатувчиларни юбориб турди. Нима ҳам дейсиз, чет эл чет элда.

Аммо бизникилар ҳам шарманда бўлиб қолмаслик учун астойдил харакат қилишди. Хўжалик директори ишчиларни ўз участкаларидан олиб голландияликлар даласига «байналмилал» бурчни бажариш учун юборишни канда қилмади. Тўғри аввалига ажнабийлар алоҳида, ҳеч қандай ёрдамсиз ишлашлари кўзда тутилганди. Бироқ Россия ёмғирлари, ёввойи ўтлар, ботқоқ йўллар панд берди. Энг асосийси, бизда чет элда бўлгани каби бир оғиз талабингга биноан ишчилар, маслаҳатчилар, техникани айтган вақтингга ҳозиру-нозир қиладиган хизмат кўрсатиш сервислари йўқлиги ҳалал берди. Бизда сервис ролини «Рогачевский» давлат хўжалиги бажаришга кўнгилли равишда рози бўлдию, аммо... Бешта трактор керак бўлса, иккита юборишади, иккита керак бўлса, бешта.

Ҳа, бизникилар астойдил ҳаракат қилишди. Ҳозир истаган кишингиздан сўранг, ўйлаб ўтирмай: «Бу голландияликларни деб бутун хўжалик жон койитди. Яна ўша-ўша хўжакўрсин!» деб жавоб беради.

Бироқ бу гапларни қўйиб ҳосилдан гапирсак. Гектаридан 350 центнердан картошка етиштирилди. Бунақаси ҳали хўжаликда бўлмаганди. Бизнинг шароитда хўжалик фермерни деб эмас, фермер хўжаликни деб жон койитиши оддий ҳолга айланиб қолган. Устига устак ижарага олинган ерда ҳеч қандай кўмаксиз ишлаб, минг азобда маҳсулот етиштириб пулини олиш у ёқда турсин, хўжаликдан қарздор бўлиб қолишади. Бугун бизга қайси йўл муҳим — техникани олишми ёки структурани?

Албатта, хўжайин ўз қаролига «чет»никидай қилиб кийим тикиб бериши мумкин, аммо бундай натижадан не наф? Кийимлар хўжакўрсиндан бошқа нарсага ярамайди.

А. КРЕСТНИКОВ.
Москва вилояти.

Лотодаги авто қанча?

1989 йилда лоторея орқали қанча автомобиль олинган!

К. СИДОРКИН.
Клин.

Ютуқларни олишни ташкил қилиш бўлимининг маълумотига қараганда, 1989 йилда РСФСРда ўтказилган пул-буюм лотореясида умумий миқдори 11.244.600 сўм бўлган 1262 та автомобиль ютилган. Улардан «Жигули» «ВАЗ» 21063—670 та бўлиб, 607 та автомобиль эгалари томонидан олинган. 492 та ютилган «Москвич» — 2141 дан 481 таси олинган. «ЗАЗ—968М» 100 та ютилган бўлса-да, уларнинг 96 тасининг эгаси чиққан. Ҳаммаси бўлиб 10.551.200 сўмлик 1184 та машина тарқатилган. Мана машина қаерда бор экан! Лоторея — савдо-сотиқдан кўра фойдалироқдир.

Миллионлар қандай йўқотилади?

Бу йилги кўплаб иш ташлашлар туфайли биз қанча миқдорда пул йўқотдик!

Ю. КУЛЬКОВ.

СССР Давлат ҳисоб қўмитасининг маълумотига қараганда, шу йилнинг январь-июль ойида иш ташлашлар ва оммавий ишга чиқмаслик туфайли ҳар куни ўртача 65 минг киши ўз ишлаб чиқариш жойларида бўлмаган.

СИТА хабарига кўра, июль ойида иш ташлаш туфайли кўрилган зарарнинг 60 фоизи Кемерово, Ростов вилоятлари ва Коми мухтор жумҳуриятига (6 миллион сўм), Донецк, Луганск ва Днепропетровск вилоятларига (8,6 миллион сўм) тўғри келган.

Фақатгина Гуржистон ССЖ ҳудудидаги қамал қилинган Кавказ орти темир йўли туфайли кўрилган зарар июль ойида давлатга 4 миллион сўмга тушган.

СССР Давлат ҳисоб қўмитасининг маълумотига кўра оммавий ишга чиқмасликдан 1681 корхона зарар кўрди.

Тунаш жойига марҳаматми?

Мамлакатимизда инқилобдан аввалгига ўхшаш тунаш жойлари борми!

К. АВДЕЕВ.
Псков.

М. Горькийнинг «Тубанликда» номли пьесаси орқали биз билган тунаш жойлари бизда албатта мавжуд эмас, — деб жавоб беришди РСФСР Ижтимоий таъминот вазирлигидан.— Лекин вақтинчалик уй-жойидан ажралганлар, қочоқлар учун махсус меҳмонхоналар кераклиги, шубҳасиздир. Уларни ташкил қилиш ҳақидаги масала ҳозирча кўриб чиқилмоқда. Лекин бундай одамларни хоҳишларига қараб РСФСР Ижтимоий таъминот вазирлиги РСФСР ҳудудидаги вақтинчалик интернат-уйларга жойлаштириши мумкин

Ҳозир ахлоқ тузатиш муассасаларидан белгиланган муддатларини ўтаб, қутилиб чиққанларнинг яшашлари учун 11 та махсус уй мавжуд. Уларга иқтисодий томондан ёрдам берилади, озиқ-овқат билан таъминланади, иш берилади ва ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатилади.

«Диалог» бундай кишиларни руҳий жиҳатдан қайта тарбиялаш билан шуғулланиладими? — деб қизиқиб кўрган. Маълум бўлишича, руҳиятшунослар етишмас экан, лекин бу келажакда амалга ошириш учун кўзда тутилган зарур тадбирлардан эканлигини маълум қилишган.

Қўшиқдаги сўзларни ташлаб бўладими?

Яқинда Сиэтлда бўлиб ўтган Яхши ният ўйинларининг тантанали очилиш маросимида СССР Мадҳияси янги талқинда ижро этилганлиги ростми! Россиянинг ўз Мадҳияси қачон бўлади!

Ю. КОЗЛОВ.
Тверь.

СССР Олий Шўроси котибати халқ депутатлари кенгаши билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Юневичус ёрдамида биз қуйидаги ахборотни олдик.

СССР Мадҳиясининг охирги вариантини СССР Олий Шўроси Президиуми 1977 йил 27 майда тасдиқлаган.

Ўшандан бери кўплаб муштарийларимизнинг таъкидлашларича, унинг бирорта ҳам тўртлиги ҳақиқатга тўғри келмаса-да, Мадҳия ўзгарган эмас. РСФСР Мадҳиясига келсак, у ҳозирча «ёзилиш арафасида» турибди.

ЗОНС САЙЁРАСИДАН КЕЛГАН «ҒАЛАТИ ОДАМЛАР»

УЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ҲОЗИРЧА ИСБОТЛАНМАГАН, БИРОҚ УЛАР БИЛАН БАҚАМТИ БЎЛИБ ЯШАШ ҚИЗИҚАРЛИ ТУЮЛАДИ

Болгариядаги Пордима шаҳарчасининг мудроқ ва офтоб тиғида қовжираган кўчаларида зоғ кўринмайди. Фақат пастаккина эшак уюб шох-шабба ортилган аравани базўр тортиб бораётир. Шохлар устида ялпайиб ўтирган эркак биз нима мақсадда Лазарина Господиновани сўраётганимизни дарҳол тушунди. У жумбоқ тўла маҳаллий бу воқеадан хабардор эканлигини билдириб қўймоқчи бўлгандек, маънодор бош чайқади ва сўнгра бу «ғалати уй»га қандай бориш кераклигини сирли равишда тушунтирди.

Уй бекаси журналистларни қабул қилишдан қатъиян бош тортди. Бироқ, бизнинг шўро матбуоти вакиллари эканлигимизни билгач, истисно тариқасида розилик билдирди. Чамаси, кекса аёл бехосдан келган «шон-шуҳрат»дан чиндан ҳам чарчаган эди. У бутун умри давомида фермада соғувчи бўлиб ишлади, уч ой муқаддам пенсияга чиқди. Ўтган йил 30 октябрдан буён унинг уйида яшаётган кимсани ҳисобга олмаганда, ёлғиз ўзи туради...

Биз иккинчи қаватдаги чоғроқ хонага кирамиз. Зич тўсилмаган дарпарда оралиғидан дастурхонни жилвакор чизиқлар билан бўяб ва уй бекасининг меҳнаткаш қўлларида бугри тортиб чошгоҳ қуёши зарралари уйин кўрсатади. Ажабтовур ҳолат бошланишини кутиб суҳбатлашиб ўтирибмиз. Вақти-вақти билан оёғимиздаги пайпоғимиз жойида турган-турмаганлигини текшириб қўямиз. Гап шундаки, безовта руҳ қўним топган шундай уйлардан бирига кирган атоқли болгар профессори бехосдан бир оёғидаги пайпоғи ғойиб бўлганини пайқаб қолганлиги маҳаллий матбуотда чоп этилган эди. Эси оғиб қолган профессор кейинчалик уни ўз уйидан топганди.

Лазарина Господинова ҳикоя қилган нарсалар ҳақиқатан ҳам афсунга ўхшар эди. Агар доцент Пенев бошлиқ илмий-тадқиқот гуруҳи, маҳаллий ҳокимият, милиция вакиллари ва ҳатто маҳаллий касалхона психиатри имзо чеккан қайдномалар бўлмаганида эди, бу ҳақда ёзиб ўтирмасдик ҳам. Ҳужжатда расман қайд этилишича, уйда номаълум манбадан тарқалаётган кўтарилиб-тушиб турувчи товушлар мажмуи мавжуд, нарсалар ўз-ўзидан жойида қўзғалади, ёзув асноси техникага таъсир ўтказилади (видео ва киноаппаратуралар, магнитофонлар ишдан чиққанлиги таъкидланади). Юз бераётган мўъжизанинг ишончлилигини тасдиқловчи яна бир фактни келтириш мумкин. Лазарина Господинова маълум муддатга қизини кўриш учун Велико—Тирновога кетганда, милиция гувоҳлар кўз ўнгида уйни муҳрлаган эди. Уй бекаси қайтиб келгач, худди ўша таркибдаги комиссия иштирокида эшик очилганда, мебеллар ўрни тартибсиз тарзда ўзгартирилганининг гувоҳи бўлишди. Дарвоқе, бунда ҳам ўзига хос мантиқ бор. Мана, гулдондан тушаётган сунъий гулларни олиб қарайлик. Гулдондан фақат оқ картошкагуллар тушади ва полда римча 21 рақамини ҳосил қилади. Бу ҳол 30 мартадан зиёд такрорланди ва ҳар доим бу рақамни ҳосил қилган гулларнинг бош томони жанубга қараган бўлади...

Ҳар қалай комиссиянинг бу қайдномаси сабабини тушунтириш қийин бўлган ҳодисанинг шунчаки инъикоси. Таниқли экстрасенс Вера Кочовскаянинг ҳикояси бундан ҳам қизиқ. Пордимадаги уйга кириб, Вера Кочовская пастки қаватдаги хоналардан бирида кучли биологик майдонга дуч келди. Ажойиб, бунинг устига башорат қилиш ва ғойибдан хабар топиш қобилиятига эга бўлган бу аёлнинг нуфузи Болгарияда тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Болалик чоғида у фалокатга учраб, бир неча ой оғир беҳушликда ётган, сога борган сайин ўзида одамларнинг ички аъзоларини рентген ёрдамида кўргандек кўриш қобилиятини пайқаб қолган эди.

Шундай қилиб, Вера Кочовская, ундан кейин бошқа экстрасенслар ҳам қуйи қаватдаги чоғроқ хонада кучли биологик майдонга дуч келдилар. Улар бу хонадан қувват олиш учун... ўзига хос батарея сифатида фойдаланиш мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Болгарияда ўз табиий қобилиятини, яъни ўз қувватини сарф этиб, беморларга бевосита тегинмай туриб, уларни даволайдиган экстрасенслар оз эмас. Бу ерда улар мавжуд қувватдан «кучланишлари» ҳам мумкин.

Лазарина Господинова ўз уйида биологик майдон бўлишига асло қарши эмас, лекин кўринмас «ажина»нинг шўхликлари уни чарчатди. Гарчанд бунга бир мунча кўникиб қолган бўлса ҳам. Ҳатто унга исм ҳам топиб қўйди — Чудик. Кўринишдан у ҳам уй бекасига боғланиб қолган. Лазарина узоқ йўлга отланганини сезади. Ва шундай пайтларда баъзан-баъзан эшик ўз-ўзидан ёпилиб, ташқаридан қулфланиб қолади. Гоҳо қўшни хона эшиги... телевизор билан қўзғатилган ҳоллар ҳам бўлади. Баъзида Чудик майда хизмат кўрсатиб қўяди — аёл стол ёнига ўтириши билан унутилган вилка ўзича яшчикдан чиқиб, унинг қўлига учиб келади. Стол устида турган ликопча худди шундай тезликда учиб қолгани, айниқса, ёмон. Яхшики, ҳеч нарсага тегиб кетмайди.

Одамлар бу уйдаги ажабтовур ҳодисаларга турлича ёндошишади. Меҳмон бўлиб келган аёлнинг қариндошларидан бири уйга кирган заҳотиёқ ҳеч қандай ажина-пажинага ишонмаслигини айтди. Ва бир зумда жазосини олди: қандайдир куч уни стул-птули билан кўтариб, енгилгина чайқатди. Айтишларича, ўшандан кейин ҳалиги киши художўй бўлиб қолган.

Экстрасенслар Лазарина Господиновани ўз ижарачаси билан гаплашишга ўргатишди. Бунинг йўли осон — савол бериладида, жавоби кутилади. Битта тиқиллатиш «йўқ» деган маънони, иккита тиқиллатиш «ҳа» деган маънони англатади. Бироқ у на Чудик ҳақида, на унинг ўзидан бирор қизиқарли нарса билиб олганича йўқ.

13 ёшли ўқувчи қиз Теодора истиқомат қиладиган Дибич қишлоғи ҳам ҳозир одамларда Пордимадаги уй ва унда яшовчилардан кам қизиқиш уйғотмаяпти. Қизнинг айтишича, унинг ҳузурига ўзга сайёраликлар келиб-кетиб туришади. Яқинда у болгар журналистларига шуларни хабар қилди:

«Бу мавжудотлар ўзга галактикадаги саккизинчи Қуёш системасининг Зонс сайёрасидан келадилар. Аввалига мен жуда қўрқдим, аммо улар менга дўстона муносабатда бўлдилар, ўз сайёраларининг тасвирини кўрсатдилар. Унда ҳамма нарса аниқ кўриниб турарди. У ерда диназаврга ўхшаш аллақандай йирик ҳайвонлар бор эди. Менинг ҳузуримга келиб турган мавжудотлар ҳар хил— ҳам аёл, ҳам эркак жинсига мансуб. Уларнинг баъзилари одамларни эслатади, аммо улар орасида патсиз ва қанотсиз, узун тумшуқли қушга ўхшашлари ҳам бор. Зонсда шоҳ бор, лекин унинг устидан турадиган худо ҳам мавжуд. У ҳаёт, сайёраликлар уни ҳар куни кўришади. Зонсни ердан миллионларча ёруғлик йили ажратиб туради. Бироқ ўзга сайёрадаги мавжудотлар бу масофани махсус шиша таёқча ёрдамида ердаги вақт ҳисобида тахминан 15 дақиқада босиб ўтадилар. Ўзга сайёрадаги мавжудотлар ўз вақт кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаганда 500 йил умр кўрадилар. Ердаги бир йил Зонсдаги уч йилга тенг келади».

Теодора Чапразованинг ҳикояси фанга ҳисса бўлиб қўшиладими-йўқми, билмайман. Психиатрларнинг тасдиқлашига қараганда, қиз мутлақо соғлом... Қизиғи шундаки, Теодоранинг ўзга сайёраликлар билан мулоқоти, одатда, кўпгина гувоҳлар кузатган безовта руҳ намоён бўлиши тарзида кечади. Мана бир мисол. Унинг қўшнилари ва оломон қиз яшаётган уй худди кучли зилзила пайтидагидек чайқалганини ҳамда у ердан тушаётган бир нарсанинг шовқини эшитилганини қизиқиш билан кузатишди. Худди шу пайтда яқин атрофдаги уйлар тиқ этмай турарди. Теодора билан суҳбатлашган журналист уй эгаларидан бир кеча тунаб қолишни илтимос қилган. Кейинчалик ҳамкасбимиз ёзганларига ишонадиган бўлсак, ўша тунда у ўз ҳаётидаги энг кучли изтиробни бошдан ўтказган— «нимадир» у билан мулоқотда бўлган. Бу мулоқотдан унда тасвирлаш мушкул бўлган қўрқув ҳиссиёти қолган.

Биз Лазарина Господинованинг уйида тунашга қолмадик — қуйи қават таъмирланаётган, биологик майдонли хона бўм-бўш, деворлари эса ярмигача бўялган эди. Агар кейинчалик машинамиз узоқ вақт ўт олмаганини ҳисобга олмаганда (бундай ҳол илгари ҳам бўлиб турарди), суҳбатимиз мобайнида ҳеч бир арзигулик ва ғайри табиий ҳодиса содир бўлгани йўқ.

О. МАМЕДОВ,
(Ўз мухбиримиз).
София.

МИЛЛИАРДНИ ҚАНДАЙ ЎҒИРЛАШ МУМКИН?

БУ САВОЛГА АҚШДАГИ РУС МАФИЯСИ ЖАВОБ БЕРАДИ

Бруклиндаги Оушен-паркуэй кўчаси 100-сонли уйнинг бешинчи қаватида яшовчи сочи тўкила бошлаган, жуссаси кичик киши хонасидан чиқиб лифт тугмасини босди. У Манхеттеннинг 10-кўчасидаги бутун дунёга машҳур турк ҳаммомига бормоқчи эди. Бироқ шу куни унга ювиниш насиб этмади. Уни кутиб турган икки барзанги орқасидан келиб бошига, уч марта ўқ узишди ва «тинчитишди». Бу воқеа яқинда Нью-Йоркдаги Брайтон — Бичда содир бўлди. Жиноятчилар ва уларнинг қурбони италиялик муҳожирлар эмас, балки собиқ шўро фуқаролари эди.

Ўлдирилган асосан қўрқитиш ва шу йўл орқали пул ундириш билан шуғулланувчи тўданинг бошлиғи экан. У илгари жиноят қилган Евсей Агрон эди. Озодликка чиққач, Шўролар Иттифоқидан АҚШга кетганди. Америкада ҳам тез орада «рус мафияси»нинг қироли бўлиб олди.

Брайтон — Бич, уни «Кичик Одесса» деб ҳам аташади, 1979 йилдан СССРдан борган 35 минг муҳожир яшайдиган жой бўлиб қолган. Унга Бруклиннинг ушбу жанубий ноҳияси Қадим Дунёни эслатувчи кўплаб дўкончалари ва ресторанчалари бўлган Атлантика океанининг кўркам соҳили сифатида донг таратганди. Энди эса бу ер «рус мафияси» хўжайинлик қиладиган жой сифатида ном чиқарган.

Аксарият американиклар, — деб ёзади «Вашингтон пост» рўзномаси, — шўро жиноятчилари АҚШга кўпинча фақатгина ноқонуний пул топишни янада ривожлантириш учун келишларини сира тушуна олишмайди. Кўпчилик муҳожирлар СССРдан сиёсий, иқтисодий ва диний сабабларга кўра чиқиб кетишаётган бўлишсада улар орасида «тенг имкониятлар жамияти» ҳақида ўзига хос тасаввурга эга бўлган жиноятчилар ҳам анчагинадир».

Сўнгги маълумотларга қараганда АҚШда яшовчи СССРнинг собиқ фуқаролари орасида 1100 га яқини жиноятчилардир. Жиноятчи гуруҳлар билан шуғулланувчи америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича жиноятчилик тармоғи ҳозирги кунда Филадельфия, Лос — Анжелес, Чикаго, Майами ва ҳатто Канаданинг айрим мавзеларини ҳам қамраб олган. «Рус мафияси» Ҳиндистон ва Таиланддан героин олиб келишга, Оврўпа мамлакатларига эса кокаин жўнатишга ихтисослашган. Даромаднинг бошқа жиҳатлари Америка жиноят оламиники билан ҳамоҳанг. Жумладан қотиллик, молиявий мажбуриятларни бузиш, сохта заргарлик буюмлари, молиявий ҳужжатлар, кредит карточкалари, ижтимоий ва тиббий кафолатлашни тайёрлаш. Улар томонидан банк ва кампанияларнинг миллион-миллион долларлик чеклари «ишлаб чиқарилган».

Сув қўшилган бензин ва бошқа нефт маҳсулотларини сотиш туфайлигина «рус мафияси» миллиард доллар ишлаган. Америкалик полициячилар узоқ вақтгача бензин қуювчилар қандай қилиб бунча кўп пул топишаётганларини тагига ета олишмади. Сабаби шу кунгача Америкада бензинга сув қўшиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Собиқ ватандошларимиз одатда доимо ҳар соҳада пишиқ-пухта ва ишбилармон бўлган америкаликларни қандай қилиб алдашмоқда? Улар бензин билан бўлган воқеадагидек пул топишнинг кутилмаган жиноятқорона усулларини қўллашмоқда. Мисол учун 1988 йилнинг февралида Калифорниянинг бош прокурори ҳозирги кунда Лос-Анжелесда яшовчи уч шўро муҳожирига 125 миллион доллар келтирган тиббий кафолат билан боғлиқ фирибгарликни тафтиш этиш учун махсус гуруҳ ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берган. Улар қоғозда вазифаси тиббий кафолатга эга бўлмоқчи бўлганларни юзаки тиббий кўрикдан ўтказиши керак бўлган 100 га яқин сохта кампания тузишган. Кафолат кампанияларига эса мафиячилар чуқур текширув, таҳлил ва рентген ўтказилди ва маслаҳат берилди деб ҳисоб беришган. Бундай сурбертларча алдовни кутмаган американиклар эса хотиржамлик билан ҳисоб бўйича ҳақ тўлашган. Нью-Йорк штатида эса пойабзал билан савдо қилувчи 13 киши харажатларнинг катта қисми давлат ижтимоий таъминот системаси томонидан тўланувчи ижтимоий ёрдам ҳаракатномаси доирасида буюртма олишган. Жиноятчилар ўз мижозларига энг арзон оёқ кийими сотиб, меҳр-шафқат ташкилотларига эса уларга энг қимматбаҳо ортопедик пойабзал сотилди деб ҳисоб беришган.

«Рус мафияси»нинг иши яхши кетаётган бўлишига қарамай, деб ёзади «Вашингтон пост», унинг аъзолари тез орада бошқа жиноятчи тўдалар билан амалий алоқада бўлиш лозимлигини тушунишди. Нью-Йоркдаги ҳар бешта анъанавий мафиядан тўрттаси билан СССРлик жиноятчилар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

«Рус мафияси» Нью-Йоркда чинакамига иш бошлагач Брайтон Бичда энг оғир жиноятлар ҳам оддий ҳодиса бўлиб қолди. Бозорни тақсимлаб олиш учун олиб борилган кураш чикаголик гангстерлар усулида амалга оширилган қатор қотилликларга олиб келди. Матбуотнинг гувоҳлик беришича шу кунгача улардан бирортаси ҳам очилмаган. Янги мафияга қарши курашнинг самарали бўлишидаги тўсиқлардан бири шундаки, АҚШ юстиция вазирлигидаги амалдорлардан кўпчилик унинг мавжудлигини тан олмаётганидир.

Бундан ташқари Брайтон Бичдаги жиноятчиларни тафтиш этиш Америка ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари учун ниҳоятда мушкул бўлмоқда. Бунинг сабабларидан бири тил муаммосидир. Америка полициясининг жосуси рус муҳожирлари орасига кириб олиши осон эмас. Устига устак Нью-Йорк полициясидаги рус тилини билувчи бирдан бир ходим ҳам пенсияга чиқди. Полицияга жиноятлар тўғрисида маълумот бермоқчи эканлигини айтиб қўнғироқ қилишгани ҳам маълум, аммо полициячилар ҳеч нимани тушунишмаган.

А. АГУРЕЕВ.

Хорижга навбатнинг кети ким?

Миллий нажот Муваққат кенгаши инқилобдан кейинги қизғин кунлардаёқ декрет қабул қилган эди. Унга мувофиқ Руминиянинг ҳар қандай фуқароси хорижий паспорт олиши ва кўнгли қачон ва қаерга истаган жойга йилига бир маротаба чиқиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир жўнаб кетаётган кишига йилига 200 доллар миқдорида пул алмаштириб берилади.





Руминияда яқин-яқинларда ҳам фақат хорижий кишилар билан мулоқотда бўлганларнигина эмас, балки хорижий даврий нашрларни ўқиганлар ҳам жазоланарди. Эндиликда мамлакатда бошланган муҳожирлик ҳақиқий шов-шувга айланган.

Яқин-яқинларгача «олтин даврда» яшаётган руминлар қандай қилиб «Ғарб чириб бораётганлигини» ўз кўзлари билан кўришга минглаб кишилар учун ноқулай «ташриф бўлимлари» орқали боришга ҳаракат қилардилар. Инқилобдан кейин ўтган саккиз ой мобайнида ички ишлар органлари томонидан 800 мингдан зиёд хорижий паспорт берилди. Яна бир неча минг талабнома кўриб чиқилишини кутмоқда. Шулардан паспорт олган қарийб 120 минг киши хорижда доимий яшашга бориш учун тараддуд кўрмоқда. Яқинда рўзномаларнинг хабар қилишларига қараганда, Ғарб мамлакатларига саёҳатчи сифатида жўнаб кетган 8 мингга яқин румин фуқароси ўша ерларда номаълум вақтгача қолган.

СИТАнинг Бухарестдаги бўлими билан ёнма-ён жойлашган Америка элчихонаси ёнида тўхтайман. Гуруҳларга бўлинган бир неча юз киши, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ерда бир неча кунлаб туришади. Аҳён-аҳёнда элчихона хизматчиси қўлида рўйхат билан кўчага чиқади ҳамда навбатдаги икки кишини суҳбатлашишга таклиф этади. Мана ўшалардан бири 20 дақиқали «синов суҳбатидан» сўнг қайтиб чиқди. Уларнинг чеҳраларидаги ғамгинлик менга:

— Рад этишнинг боиси нима бўлди? — дея савол беришимга имкон берди.

— АҚШда бизнинг иш топишимиз мушкул бўлади, дейишаяпти, — деди ўттиз ёшдаги йигит менга тўнғиллаб. У рафиқаси ва қизи билан муқим яшаб қолиш учун Америкага боришга отланган экан. У тўлиқсиз ўрта маълумотга эга. Токарь бўлиб ишлаган. Хотини лицейни тамомлаган. Руминияда «бозори чаққон» ихтисосга — савдо ходими касбига эга. Улардан бирортаси ҳам инглиз тилини билмайди, аммо АҚШда ҳар қандай ишни бажаришга тайёр.

— Нима учун кетишга қарор бердинглар?

— Жаҳонни кўришни истаймиз. Навбатларда туравериш жонга тегди. Сиёсат билан шуғулланган эмасмиз. Сиёсатимиз эса яқин ўртада бизни қизиқтираётган муаммолар билан шуғулланмайди. Унинг ўз ташвишлари бор.

— Энди сизлар нима қилмоқчисизлар?

— Бошқа бирор бир мамлакатга чиқиб кетишга уриниб кўрамиз. Кейин эса у ёғи аён бўлади. Эҳтимол ўша ердан АҚШга бора олармиз.

Бошқа мамлакатлар уларнинг ҳамюртларининг келишини кескин чеклаб қўйганидан ёшлар бехабар кўринади. Яқинда маҳаллий рўзномалар Австрия ҳокимлари бир неча юз румин фуқаросини ватанига қайтаришга қарор берганлигини хабар қилди. Австрия ички ишлар вазири Ф. Лешнак бунга сабаб руминларнинг «Ғарбдаги эркинликдан қандай фойдаланишни билмасликлари, турли ҳавасни келтирадиган нарсалар олдида ўзларини тута билмасликлари» деб таъкидлади. Бундай хабарлар ОФЖ, Швеция, Финляндия сингари бошқа мамлакатлардан ҳам эшитилаяпти. Яқинда рўзномалар Туркия, Бўлғория, Югославия ва бошқа қўшни мамлакатлар ҳукуматлари ўз ваколатхона ва божхоналари хизматларига ана шу давлатлар руминиялик фуқаролар «ташрифларини чеклаб қўйишга» кўрсатмалар берганликларини ранжиб ёзишди.

«Чиқиб кетиш шов-шуви» Руминиянинг ўзида кескин муҳокамага сабаб бўлди. Бир қатор оппозицияда бўлган тузилмалар вакиллари биргаликда қабул қилган декларацияларида мамлакатдан муҳожирликка чиқиб кетиш «чексиз даражага» етганлигини таъкидладилар. Бунга кишилар «ҳозирги тузум, мамлакатда демократик жараённинг ривожланишига қодир эмаслиги туфайли жонажон ўлка, оилаларини ташлаб кетишлари»га сабаб бўлаяпти. «Роминия либерэ» ҳафталик рўзномаси хабар беришига кўра, хорижга чиқиб кетганларнинг кўпчилик қисмини йигит-қизлар ташкил этади. «Улар ўз мамлакатларида истиқболларига ишонч кам деган хулосага келишган». Ҳукумат, деб таъкидланади мақолада, мамлакатда «ақллар» чиқиб кетишини тўхтатиб қолишни зудлик билан чорасини кўриши зарур, деб уқтиради.

Румиия рўзномалари чиқиб кетишнинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам ёзмоқдалар. Кўпдан-кўп сайёҳлар хорижда сотишдан қандайдир даромад олиш мумкин бўлган барча нарсаларни олиб чиқиб кетишга уриниб, дўконларнинг пештахталарини шипшийдон қилмоқдалар. Масалан, «Флакэр» ҳафталиги маҳаллий бозорда етишмовчилиги ўткир сезилиб турган кўп миқдордаги молларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга уриниб кўрилган ҳолларни санаб ўтишнинг ўзига қарийб ярим саҳифасини бағишлаган. Ана шу моллар орасида пойабзал ва кийимбошлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, ноёб металлардан ишланган буюмлар, қадимий хочлар, умумхалқ бойлиги ҳисобланган санъат асарлари бор.

Яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Румиия ИИВнинг матбуот бўйича вакили таъкидлаб ўтдики, бунинг акси ҳам содир бўлаяпти. Фақат сўнгги ойларнинг ўзида мамлакатга 59 фуқаро доимий яшаш учун қайтиб келди. Улар аввал Ғарбдан сиёсий бошпана сўрашганди. Бу ҳол тез вақт ичида яна ўсиб боради деб умид қиламиз, деди у.

Агар шундай бўлса яхши-я. Мамлакат учун ғоят номаврўд бўлган ҳозирги вақтда минглаб фуқаролар ўз иш жойини ташлаб ҳафталаб, ҳаттоки ойлаб хорижий ваколатхоналарнинг орзу қилинган тамғасини олиш учун навбатда турибдилар.

Д. ДЬЯКОВ.
(СИТА мухбири «КП» учун).
Бухарест.

С. БУКОВСКИЙ олган сурат.

МЕКСИКАДАГИ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИЛАР РЎЙХАТИ

МЕХИКО, 28 сентябрь. (СИТА мухбири Павел Сюткин). Мексикадаги мингта энг бой оила жумҳурият бутун миллий бойлигининг ярмини назорат қилиб турибди. Уларнинг беш вакили жаҳондаги 200 нафар энг бадавлат кишилар жумласидандир.

Ўз саҳифаларида Мексикадаги бир неча ўн миллионернинг номини эълон қилган «Уно мас уно» рўзномасининг таъкидлашича, мамлакатда бойлик тақсимоти ниҳоятда нотекислигича қолмоқда. Чунончи, фақат расмий маълумотларнинг ўзига кўра энг камбағал оилаларнинг 10 фоизи Молия вазирлигида эълон қилинадиган барча даромадларнинг атиги бир фоиздан сал кўпроғини олмоқда.

Бойлиги бир миллиард доллардан ошиб кетган мексикалик дастлабки одам 1968 йилда йирик саноат концернининг президенти Бернардо Гарса Сада бўлди. Маҳаллий миллиардерлар орасида мамлакатда ва чет элларда донг таратган кўпгина сиёсат арбоблари, масалан, ҳозирги жумҳурият қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари вазири Карлос Гонсалес, Мексика ноширлик ташкилотининг ва ЮПИ халқаро ахборот агентлигининг эгаси Марио Васкес Раньялар бор.

Бироқ бир қанча шахслар қандай қилиб кўп миллионли бойликка эга бўлганликлари кишини ҳайрон қолдиради. Лекин уларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиши билан танишилганда ҳамма нарса тушунарли бўлиб қолади, деб ёзади рўзнома. Чунки хизмат мавқеи бойлик орттириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Конфет бўлса-ю, уни қандай қилиб емаслик мумкин?

Айтишларича, Ғарбда тиш оғриғига сабаб бўлганлиги учун конфет ва қанд ишлаб чиқарилмаётган эмиш...

К. ПОНАМАРЕВ.
Минск.

Тиш оғриғи муаммоси социализмда ҳам, капитализмда ҳам жуда оғир.

Жаҳон бозорини тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи «Евромонитор» ташкилотининг маълумотига кўра, Оврўпода ширинликни энг кўп истеъмол қиладиганлар ОФЖ аҳолиси экан. Иккинчи ўринда эса жон бошига ширинлик истеъмол қилишда Американдан ҳам ўзиб кетган англияликлар туришар экан. (СССР бу рўйхатда йўқ, балки бунга сабаб бизнинг мамлакатда конфет, мармелад ва бошқа ширинликларнинг йўқлиги бўлса керак). Британияликлар йилига 750000 тонна конфет сотиб олишади.

Ичида мағизи бўлган шоколадли батончалар энг оммабоп ҳисобланади. Ҳар эҳтимолга қарши уларнинг номларини эслаб қолинг: «Кит-Кэт» (ҳар йили 170 миллион фунт стерлингли сотилади). «Марс», «Твикс» (биладиган одамлар уни жуда мақташади).

Буюк Британиядаги тиш врачлари ва соғлиқни сақлаш органлари огоҳлантиради — кўп миқдордаги қанд соғлиқ учун зарар. Шундай бўлса-да, конфетлар кундан-кунга кўплаб сотилмоқда.

Эмлаш—бўғмага қаршими?

Москвада бўғма эпидемияси тарқалган деб эшитдим. Бу ҳақда тўла маълумот олишни истардим, бу муаммо жиддийми!

Ю. НОВИКОВ.
Ленинград.

Шаҳар санэпидстанцияси маълумотига кўра, Москвада 8 ой ичида бўғма билан касалланиш ҳодисаси 188 марта қайд қилинган. Касалланганларнинг 40 фоизи болалар бўлиб, уларнинг учдан бири илгари эмланмаган экан. Ўлим ҳодисаси (катталардан 7 киши, болалардан 8 нафари) қаршилик кўрсатиш қобилияти йўқлиги туфайли содир бўлган.

Лекин бу рақамлар аниқ эмас. СЭСга алоҳида идораларга қарашли поликлиникалардан маълумот келмайди (яқинда 77 аскар касалланганлиги маълум бўлди).

Мутахассисларнинг фикрича эпидемиянинг тарқалишига оммавий равишда АКДСга қарши эмлашдан бош тортиш ва эмланмаган болаларнинг кўпайиб кетганлиги — бугунги кунда улар Москвада 100 мингга яқин — сабаб бўлмоқда.

Янги кимёвий қуролми?

Биласизми, ширкатчиларнинг кабобларини умуман еб бўлмай қолди. Турган-битгани заҳар!..

Н. ТАРАСОВА.
Москва.

Биламиз... Москва шаҳар санэпидстанцияси ширкат маҳсулотларининг 27 фоизида касалликка сабаб бўлувчи микроблари борлигини аниқлаган. 15 фоизи эса микробиологик талабларга умуман жавоб бермайди.

Маълум бўлишича, айрим ишбилармон ширкатчилар кабобнинг ташқи кўринишини яхшилаш, тошбосадиган қилиш мақсадида гўштни сихлашга тайёрлаётганда унга истеъмол содаси қўшишар экан. У камёб бўлса-да, арзонлиги учун қизғанмасдан роса ишлатишган.

«Кент» ҳар бир талабага уч қутиданми?

«Вақт» программасида Афғонистондан 100000 қути хорижий сигарети Москвага келтирилганлигини хабар қилган эди. Улар қани!

З. ЛИНЕВСКАЯ.
Москва.

Озиқ-овқат савдоси шаҳар бошқармасидан «Диалог»га жавоб қилишларига кўра, Афғонистондан келтирилган сигаретлар Москва атрофида «ҳосил учун курашаётган» москвалик талабаларга сотилар экан. Уларнинг давлат нархи (бир қутиси) 1 сўм 50 тийин. Москва Шўросида бу сигаретлар камлиги, талабалар хизмати мақтовга лойиқлигини куйиб-пишиб таъкидлашмоқда. Ҳозирги пайтда 29,5 минг киши далада ишламоқда, уларнинг ҳар бирига эса атиги уч қутидан сигарет тегиши ҳисоблаб чиқилган.

Талабалар касаба уюшмалари вакиллари ОБХСС ва ДХҚ ходимлари назоратида сигарет солинган қутиларни бевосита далага олиб келишган.

Фақат тундами?

Американиклар ойнаи жаҳон орқали кўрсатиладиган шаҳвоний фильмларга қандай қарашади!

П. СИЛКОВ.

«Ти-Ви гайд» ойномасининг яқинда ўтказган савол-жавобига асосланадиган бўлсак — хуш кўришмайди. Сўралган 1000 кишининг 73 фоизи ойнаи жаҳон мавжлари беҳаё кўринишлар билан ҳаддан зиёд тўлдириб ташланган, дейишган.

37 фоиз киши шаҳвоний фильмларни умуман программадан йўқ қилиш керак деб ҳисоблайди. Томошабинларнинг 53 фоизи бундай беҳаё фильмларни фақат тунда кўрсатиш керак, деб ҳисоблайди.

Савол-жавоб ўтказганларнинг маълумотларига кўра, келажакда бу ҳақда ҳеч қандай ўзгариш кутилмаётир. Бундан ташқари 64 фоиз телетомошабин 90-йилларда шаҳвоний фильмларни ойнаи жаҳонда янада кенг кўрсатилишини кутишмоқда.

Анархиячи дипломат бўлиши мумкинми?

Носиёсийлаштириш МГИМО (Москва Давлат халқаро муносабатлар институти), Осиё ва Африка мамлакатлари институти каби олий ўқув юртларига кириш қоидаларига қандай таъсир кўрсатди! Кириш учун илгаригидек фирқа ва комсомол органларидан тавсиянома бўлиши зарурми!

Г. СЕДИХ.
Свердловск.

МГИМО қабул комиссиясидан бизга жавоб беришларига кўра, институтга кириш учун сўнгги иш жойидан берилган хислатномасидан ташқари бошқа ҳеч қандай тавсияномалар талаб қилинмайди.

БЛКЁИ ёки КПСС аъзоси бўлишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, ҳатто қабул комиссияси абитуриентнинг фирқавийлиги ҳақидаги ҳисоботни олиб бормайди ҳам. Абитуриентларни танлаб олишнинг ягона йўли — кириш имтиҳонларида тўпланган баллардир.

Ломоносов номли МДД қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари иниситутига қабул қилиш тартиби ҳам худди шундай.

1-рақамли фазогир ер атрофини бир марта айланиб чиққан эди. Ҳийлагина пати тўзиган «уйдирма»нинг эса, бу биринчи доира яшаши эмас.

Яқинда Венгрияда «Гагарин — фазовий ёлғон?» сарлавҳали китоб чоп этилди. Китоб муаллифи И. Немеренинг гапига қараганда, Гагарин 1961 йил 12 апрелда сайёрамиз атрофини айланиб чиқмаган. «Восток» фазога бир неча кун илгари кўтарилган. Унинг ичида атоқли авиаконструктор Ильюшиннинг ўғли бўлган. Бироқ ерга нобоп қўниш оқибатида у шўро «қаҳрамони»дан кўра адойи тамом бўлган одамни эслатган. Уни бу ҳолда дунёга намойиш қилиш мумкин эмасди. Аксинча, уни узоқ муддатга, яна ҳам яхшиси, бутунлай кўздан йўқотиш лозим эди. Худди шу йили Ильюшин автомобиль фалокатига йўлиқади.

Зудлик билан ишчидан чиққан, ажойиб таржимаи ҳолга эга бўлган, некбин табассумли ёқимтой йигит топилди. Айнан у шўро фани, а»ни бор вужуди билан ҳимоя қилишга тайёр турган метин иродали марксчилар сафига қўшиб бўлмайди. Тўғрисини айтганда, Юрий Гагариннинг космик биринчилигини шубҳа остига олиш бу янгилик эмас, деб ёзади К. Пацнер. Бу 60-йилларнинг ўрталаридаёқ бошланганди. Ғарб матбуотида пайдо бўлган барча миш-мишларни американлик ёзувчи Д. Оберг тартибга солиб, 1988 йилда «Яширин шўро ҳалокатлари» китобини чоп этган эди. Фазогир Лодовский 1957 йилда Копустин-Яр космодромида учиш пайтида ҳалок бўлган. Худди шу йили Шиборин ҳалок бўлди. Икки йил ўтгач, Митьков ўлди. Шу пайтгача номаълум бўлган фазогир 1960 йил майда ҳалокатга учраган эди. 1960 йилнинг сентябрида, Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилотида нутқ сўзлаёт-

лан шуғулланган, НАСА космик марказида ишлаган. У барча бу гапларни мутлақо нотўғри, деб таъкидлайди.

Шуни айтишим керакки, деб ёзишда давом этади Карел Пацнер, СССРга мен муттасил бориб келиб турган 25 йил мобайнида ўз дўстларим — олимлар, фазогирлар, журналистлардан ҳеч қачон эшитмаганман. Ярим тунгача давом этган, вино ёки коньякдан тиллар эгасига бўйсунмай қолиб, менинг олдимда ҳам сира тап тортмай гоҳ кечиктирилган стартлар, гоҳ «Союз-1» ва «Союз-II» экипажининг ўлимига оид шу пайтгача эълон қилинмаган инкир-чикирлар, ракета ҳалокатидан жабрдийда одамлар ва бошқалар тўғрисидаги суҳбатларда ҳам номаълум фазогирнинг фожиаси тўғрисида ҳатто имо-ишора бўлмаган эди. 1960 йилнинг охирлари ... лар тўғрисида эса шуни айтишим лозимки, лоақал техник сабабларга кўра бундай бўлиши мумкин эмасди. Шўролар бир вақтда фақат битта парвоз учун тайёр турган ва синовдан ўтган космик кемалари йўқ эди. Биринчи йўлдошни 1957 йилнинг октябрида учирган эдилар ахир. Борингки, мен «билағон кишилар» билан учрашганман ва у стартлар алоҳида, ўта сирли соҳалар томонидан амалга оширилган, табиийки, менинг хабарчиларим у ҳақда ҳеч нарса билмаган ҳам бўлишлари мумкин. Аммо бу мантиққа зид, чунки иккита программани бир вақтда амалга ошириш учун жуда кўп пул талаб қилинарди. Қолаверса, бундай программаларни мавжудлигини мутахассислардан пинҳон тутиш ҳам қийин.

Пацнер Я. Головановнинг 1986 йилда чоп этилган «Биринчи рақамли фазогир» китобига тўхталади. Бу китобда ҳам фазогирларимиз учраган фожиалар ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган. 1961 йилнинг баҳоридаёқ Америка ҳафталигида 12 апрелдан бир неча кун муқаддам фазода одам ҳалок бўлгани, Юрий Гагарин эса эндиликда унинг ролини ўйнаётгани тўғрисида хабар тарқатилган эди. Кейинроқ шу муносабат билан В. Ильюшиннинг номи, «Россия» кемаси ва 7 апрель санаси пайдо бўлди. Бироқ Ильюшин ўрнига автомобиль ҳалокатига 1960 йил июнда йўлиққан эди.

Бундан чиқди, венгриялик публицист эски миш-мишларни фавқулодда янгилик, деб кўрсатмоқчи экан-да? Бироқ Пацнерда яна бир неча ишончли далил бор. АҚШ конгресси кутубхонасининг бошлиғи, вафот этгунига қадар шўро космонавтикасининг энг катта америкалик билимдони ҳисобланган доктор Ч. Шелдон 1967 йил ноябрда конгресс аъзолари учун ўз ҳисоботида шундай сатрлар мавжуд: «67-йилга қадар ҳеч бир мамлакат космик парвоз чоғида биронта экипажни йўқотмаган... Коинотда кўп руслар ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги ҳикояларни инкор этиш шунинг учун қийинки, улар номлар, саналар билан таъминлангандир. Ҳатто машҳур айғоқчи О. Пеньковский (**американлик жосус — Таҳририят**) ўз маъ-

лумотларида ушбу қийинчиликлар тўғрисида ёзганди. Бироқ Американинг давлат хизматчилари шўроларнинг бундай йўқотишлари ҳақида АҚШ ҳеч қандай маълумотга эга эмас, деб бир неча марта конгрессни ишонтирган эдилар».

Шунингдек, Ф. Класс ҳам ўзининг космик жосусликка бағишланган «Фазодаги сирли посбон» китобида Гагариннинг биринчилигини ҳеч қандай шубҳа остига олмайди. Американинг шўро чегаралари бўйлаб жойлашган ер устини кузатиш станциялари ва разведка машинада учирилган йўлдошлари СССРда бўлган парвозга оид барча тайёргарликларни кузатиб туриш имкониятини беради. Масалан, президент Ж. Кеннеди 1961 йил августда Г. Титовнинг муваффақиятли стартини ТАСС расмий ахборот тарқатилмасдан илгари эшитган эди.

Ўйлаймизки, И. Немере собиқ коммунистик мамлакатларда авж олиб кетган аксилшўро тўлқинларида пул ишлаб қолиш ва шуҳрат қозониш ҳаракат қилаётган муаллифлар сирасига киради, деб якунлайди Пацнер Гагариннинг ҳимоясига олган ўз мақоласини.

— Агар 1960 йилда рўзномаларингиз фазогирларни тайёрлаш отряди тўғрисидаги хабар бериб, барча номзодларнинг исм-шарифларини айтганда, Гагарин атрофида бундай миш-мишлар тарқалмасмиди? — дейди менга Пацнер.

— Карел, қандай 60-йиллар гапиряпсан? 80-йилга келиб ҳам «Комсомолка» Ярослав Головановнинг ўша отряд ҳақидаги ҳақиқат биринчи марта ҳикоя қилинган мақоласини чоп этишга эришолмади-ку. Шу номдаги китобни 86-йилда, ошкораликнинг дастлабки даврида нашр этиш учун эса, сен ўзинг ёзганингдек, Ярославга Сиёсий Бюро аъзоларидан бирининг шахсий рухсатини олиш талаб қилинди.

— 1964 йил ёзда С. П. Королев Чехословакияда дам олди. Бунгача бу ерда Гагарин бўлганди. Унга «Злата Прага» жуда ёқди ва у бу ҳақда Сергей Павловичга кўп марта сўзлаб берди. Бош конструктор бу ерда бошқа ном билан турди. Ҳатто Чехословакия Компартияси Марказий Қўмитаси меҳмонлари китобига ёзилмади. Хайрлашаётиб, ўшанда уни кузатаётган кишиларга шундай деди: «Чехословакияга кейинги сафар келганимда, менинг кимлигимни билиб оласизлар». Королев сирли... лекин... Начора, Ғарбда овоза бўлиб, уни ўчган нарсаларнинг акс садосини бизлар ҳам, Шўролар Иттифоқида яшаётган сизлар ҳам қулоқ ... марта эшитамиз. Ҳар қандай кашфиётлар азоб чекаётган кишиларни даволашнинг зиммасига олувчи ... ҳам бор. Номаълум учар объект (НЛО)лар билан яқинлик қизиқарди, энди эса айрим гуруҳлар шуғулланмоқда. Охори тўкилган кийимга ким ҳам эътибор қиларди...

Е. ЧЕРНИХ
(Ўз мухбиримиз)
Прага.

ГАГАРИН ФАЗОДА БЎЛГАНМИ?

ва албатта, сиёсатнинг беҳиёс кўтури вакили ролини ўйнади. Табиийки, бундай даҳшатли сирни ўзида сақлаган одамнинг узоқ тирик қолиши мумкин эмас эди.

Публицист И. Немере кўп йиллар Москвада яшаган ва бу ерда «билағон кишилар» билан учрашган. Венгрияда ҳам афсона ва мангу «ҳақиқат»ни сақлаб қолиш учун ҳар қандай усулдан тап тортмайдиган кишилардан кўрқиб, китоб чоп этилгунга қадар у ўзининг муаллифлигини яшириб келган. Фақат августнинг охирларида бўлиб ўтган матбуот конференциясида журналистлар бу китобнинг муаллифини билишди.

Қардош социалистик мамлакатлар деганимиз мана қандай қараб кетаяпти, дея норозилик билдираётганингизни ҳис қилиб турибман. Ленин ҳайкалларини олиб ташлашяпти, шўро жангчиларига ўрнатилган ёдгорликларни хароб қилишяпти. Мана, Гагаринга туҳмат тоши отишга етиб келишди.

Аммо Гагаринни ҳимоя қилиб чиққан киши ҳам «улардан». У космонавтика тўғрисида 12 та китоб чоп этган чехословакиялик журналист Карел Пацнер. Унинг мақоласи куни кеча Прагада чиқадиган «Млада фронта днес» рўзномасида босилди. Маълумот учун бир қайд: 1968 йил воқеаларидан сўнг Карел кўп нохушликларни бошдан кечирган. Бинобарин, ҳар қанча истак бўлганида ҳам уни «коммунистик афсо-

ган пайтда, қочқинлардан Петр Долгов деб тилга олинган номаълум фазогир ҳалок бўлди. Баъзи ғарб радиоэшиттиришлари 1961 йил 4 февралда ғалати шўро йўлдошидан «инсон юрак уриши»ни қабул қилиб олганлар. Кўп ўтмай, юрак уришдан тўхтаган. Айрим хабарларга қараганда, бу вақтда икки шўро фазогири Ер атрофида айланаётган эди, бошқа хабарда айтилишича, улар уч киши бўлганлар: Белоконев, Качур ва Грачев. 1961 йил апрель бошларида Ер атрофини Ильюшин уч марта айланиб чиққан, аммо қўниш пайтида яраланган. 1961 йил май ойининг ўрталарида Европадаги радиоҳаваскорлар баъзан чамаси, икки шўро фазогирининг ёрдам сўраб қилган заиф нидоларини қабул қилиб олишган. 1961 йилнинг 14 октябрида шўро кемаси экипаж аъзолари билан биргаликда Коинот бағрига сингиб кетган. 1962 йилнинг ноябрида италиялик радиоҳаваскорлар фазодан СОС сигналини эшитишган. Баъзи манбаларда айтилишича, ўшанда Белоконев ҳалок бўлган эди. Ер атрофига иккинчи аёл фазогирни учириш ҳам 1963 йил 19 ноябрда фожиали тугаган. Яна италиялик радиоҳаваскорларнинг хабарига қараганда, 1964 йилнинг апрелида бир ёки бир неча шўро синовчиси бедарак йўқолган.

Обергнинг ўзи бунгача ҳарбий ракета тадқиқоти би-

Криминал фараз

СИЗНИНГ МАФИЯ БИЗДА БЎЛСА ЭДИ!

— ДЕБ «ҲАВАС ҚИЛДИ» МУХБИРИМИЗ БИЛАН МУСОҲАБАДА АМЕРИКАЛИК ЖИНОИЙ ҲУҚУҚ ПРОФЕССОРИ ЖЕЙМС О. ФИНКЕНАУЕР.

Жеймс О. Финкенауер — Рутгер дорилфунуни жиноий ҳуқуқ профессори. Криминал социология билан 20 йилдан буён шуғулланиб келаётир. Аҳлоқ тузатиш муассасаларида ишлаган, криминологияни ўрганган, Нью-Жерси штати полиция академиясининг йўриқчиси бўлган. Унинг гуруҳи уюшган жиноятчилик билан Нью-Жерсида курашиш юзасидан таклиф ишлаб чиққан. Ана шунинг бир қисми федерал полиция маҳкамаси томонидан амалга оширилаётир. Сўнгги беш йилда СССР да уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганмоқда.

— Иттифоқда «мафия» сўзи ғоят кўп қўлланилади. Сизлар учун у уюшган жиноятчилик билан айнан бир хилдай. Америкада ҳам узоқ вақт мафия ва уюшган жиноятчилик — бу айни бир хил деб ҳисоблаб келишди.

Бироқ, кейинги вақтда мафия унинг анъанавий Италия-Сицилия вариантида уюшган жиноятчиликнинг аслида кўпдан-кўп шаклларидан бири эканлиги аён бўлиб қолди.

— Яхши, «мафия» деб айтмаймиз... Матбуотимизда шўро муҳожирларининг жинояткорона фирибгарликлари тўғрисида эслатиб ўтилди. Сизнингча бу нима! Эндиликда Америкада ҳисоблашишга тўғри келаётган уюшган жиноятчиликнинг яна бир шаклими!

— Ҳа, буни мен шундай деб таърифлаган бўлардим. Мана бир неча ойдирки, Америка жамоатчилигини шўро мафияси фаолияти тўғрисидаги хабар безовта қилиб келади. Менинг маълумотларимга кўра, шўро муҳожирларидан ташкил топган жиноятчилар гуруҳлари ҳозир Нью-Йоркда, Лос-Анжелесда, Филадельфияда ҳаракат қилмоқдалар. Улар Американи нима билан шунчалик чўчитиб юборишди? Рэкетдан тортиб то биржадаги молиявий чайқовчилик, муттаҳамликдан то гиёвандлик моддалари билан савдо қилишгача бўлган жиноятчиликнинг барча турларини ўзига қамраб олган. Эндиликда улар билан ҳисоблашишга тўғри келади.

— Бу жинояткорона иллатни экспорт қилишми! Гуллаб-яшнаётган Америкага қарши фитнами!

— Сиз, албатта, ҳайратланаяпсиз... Лекин, биз, америкаликлар бунга ўхшаш криминал нарсаларга ғоят сезгирмиз. Ҳозир шу тахмин матбуотимизда қизғин муҳокама қилинаяпти. Масалан, бир қатор мутахассислар Шўролар Иттифоқи жиноятчиларни мамлакатдан чиқиб кетишларига ундаяпти ва уларнинг мана шу қисми Америкага, умуман капитализм дунёсига қарши фитна уюштираяпти, деб ҳисобламоқдалар.

— Шахсан сиз нима деб ҳисоблайсиз!

— Американинг ўзида жиноятчиларга айланганликлари АҚШдаги уюшган жиноятчилик анъаналарининг тахминий фикрларига мос тушади. Масалан, чўнтагида сариқ чақаси йўқ ҳолда Қўшма Штатларга келадилар. Сизда айтишганидек, бу ерда ишлаб пул тополмайдиган муҳожирларнинг кўпчилиги жиноят усули билан пул топишга қарор қиладилар. Ҳозир СССРдан жўнаб кетаётганларнинг кўпчилиги ўзича Американи қирғоғидан шарбат томиб турган сут оқаётган дарё сингари тасаввур қилишади. Улар бу ерга келиб қолганларидан кейин кўпдан-кўп пул топиш йўлини топа олмайдилар.

— Улар уюшган жиноятчилик дунёсига қўшиладилармй! Ахир маҳаллий мафияга келгинди рақобатчиларнинг пайдо бўлиши фойдали эмас-ку!

— Уюшган жиноятчилик — бу қандайдир айрим бир мамлакатнинг ихтироси эмас. Бу байналмилал ҳодиса. Ўз моҳияти жиҳатидан жиноятчилик ривожланишининг олий босқичларидан бири ана шундай.

Мен уюшган жиноятчиликнинг олтита асосий белгисини айтиб ўтишим мумкин. Биринчи белгиси: қуйидан юқорига қараб бир-бирига бўйсуниши: исталган гуруҳда йўлбошчи, воситачи, ижрочи бор. Бунда агар йўлбошчи ўлдирилган ёки алмаштирилган бўлса, унинг ўрни бўш қолмайди. Унинг ўрнини бошқаси эгаллайди.

Давом этаман: уюшган жиноятчилик жиноий бизнесни амалга оширишда ҳамиша зўравонликдан фойдаланади. Кураш асосан жиноий жамоа ичида таъсир доираси учун боради.

Ноқонуний бизнес фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кўнглини олиш зарур. Бунда полицияни, прокурорларни, судларни сотиб олиш содир бўлади.

Жиноий бизнес бир томонга йўналтирилган бўлмайди. Мафия гиёвандлик билан ҳам, фоҳишабозлик билан ҳам, қиморбозлик билан ҳам, машиналар ўғирлаш билан ҳам... шуғулланади. Чунки уюшган жиноятчиликнинг мақсади — кўпроқ наф кўришдир.

Америкалик уюшган жиноятчиликнинг характерли жиҳати шундаки, миллий белгига қараб бирлашишади. Ва ниҳоят норасмий топилган пуллардан қандай фойдаланиш масаласи. Мафия уларни тақсимлайди, яъни легал турдаги ишлаб чиқаришга: саёҳатларга, ресторанларга, қурилишларга сарфлайди.

— Уюшган жиноятчилик — демак, бу бизнес экан-да!

— Ҳа, бизнес, лекин ноқонуний. Мафия мол таклиф қилиши ёки хизмат кўрсатишга тайёр. Лекин қонун томонидан тақиқланган йўл билан амалга оширади.

— Бундай ҳолда СССРдаги исталган бизнес — уюшган жиноятчилик экан-да... Негаки, сизда «тижорат воситачилиги» деб аталадиган нарса, бизда чайқовчилик..

— Мен буни қатъиятлик билан тасдиқламоқчи эмасман. Иттифоқдаги уюшган жиноятчилик Америкадаги жиноий тўдалар ва уюшмалардан фарқ қилади. Албатта, ҳамма жиҳатдан эмас. Босқичма-босқич бўйсунишига эътибор беринг. Зўравонлик ишлатиладими? Ҳа, ишлатилади. Порахўрлик мавжудми? Бор (бу мен учун ғоят қизиқарли йўналиш). Миллий белги бўйича бирлашиш борми? Агар АҚШда уюшган жиноятчилик нолегал турдаги моллар ва хизматлар билан шуғулланса, СССРда гиёвандлик мафияси ҳали бошланғич ҳолатда. Аксинча, сиз айтганингиздек, моллар ва хизмат кўрсатишнинг тақиқланмаган турлари билан шуғулланмоқдалар. Лекин мавжуд бўлган камёблик уларга кўпроқ пул ишлаб олиш имкониятини беради. Мафия ана шу билан шўро қонунларида тақиқланган ишга қўл уради. Америкада бундай ишни амалга ошириш имкони йўқ. У ерда бунинг учун шарт-шароитлар мавжуд эмас. Бу ақл бовар қилмайдиган ҳолат.

— СССР ИИВ маълумотларига кўра, ярим йил мобайнида 900 дан зиёд жиноий гуруҳ ушланган. Шуларнинг кўпчилиги рэкет билан шуғулланган.

— Бизнинг ҳисобимизга кўра, СССРда уюшган жиноятчилик қарийб 3,5—4 минг гуруҳ ва гуруҳчани ташкил этади. ИИВ органлари кўп қатламли ана шу жиноятчиликнинг қуйи қатламинигина зарарсизлантираяпти. Чунки унинг юқори қатламларида ҳукмрон фирқа аъзолари, юқори лавозимдаги давлат маъмурлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари бор.

— АҚШда давлат аъзолари сотилмайдими!

— Мен юқори ҳукумат бўғинларида пора олмайдилар ва жиноятчиларни ёпди-ёпди қилиб юбормайдилар, деб айтмоқчи эмасман. Сўнгги вақтлардаги бир неча йирик жараёнлар менинг сўзларимни рад этган бўларди. Лекин АҚШдаги порахўрлик СССРдаги порахўрликдан тубдан фарқ қилади. Аввало миқёси жиҳатидан. Гап шундаки, бизда кўп фирқали система. Фирқа аппаратида порахўрлик қилиш деярлик мумкин эмас. Давлат органларининг тузилиши кўп босқичли бўлиб, ҳар бир босқич доимий текширувдан ўтказиб турилади. Полиция органлари шундай тузиладики, бир бўлинма иккинчисининг фаолиятини назорат қилади. Бу, албатта, муаммоларни олиб ташламайди. Лекин давлат органларида порахўрлик даражасини камайтиради. Бундан ташқари Қўшма Штатларда РИКО, яъни давлат органларида порахўрлик тўғрисида деб аталмиш қонунлар мажмуаси мавжуд.

— Сиз шўро мафиясини камёб молларнинг яширин бозори билан боғлаяпсиз, лекин иқтисодий система, айтайлик, ўн йил ўтгандан кейин ўзгарса, унда нима бўлади!

— СССРда ҳозир гиёвандлик мафияси эндигина оёққа тураяпти. Бироқ, сарҳадлар очилиши билан бу жараён тезлашади. Унда сизнинг оммавий гиёвандлик мафияси билан тўқнашувингизга тўғри келади. АҚШда ҳаракат қилаётган жиноятчи гуруҳлар шўро уюшган жиноятчи гуруҳлари билан алоқа боғлашини ҳам истисно этиб бўлмайди.

— Шўро милицияси учун оғир вақтлар бошланадими!

— Ҳа, барчасини мулоҳаза қилиб кўриладиган бўлса, шундай бўлади... Уюшган жиноятчилик йўқолиб кетмайди, балки чекланиб қолади, манфаат соҳаси ўзгаради ва ғарбдагига ўхшаб қолади...

— Бизнинг тахминлар шўро муштарийларини чўчитиб юбормайди, деб ўйлайман. Бироқ, АҚШдаги уюшган жиноятчилик тўғрисида сиз гапириб берганларингиз ҳеч қандай муаммоларни билмайдиган, гуллаб-яшаётган Американинг эски қолипларини бузади...


— Кишилар жиноятчи бўлиб туғилади деб ўйламайман. Улар бир-биридан шунчаки фарқ қилишади. Турмуш тўсиқларига дуч келганда эса, улардан бири айланиб ўтиш йўлларини излайди, иккинчиси эса жиноятчи бўлиб қолади. Буни эса йўқ қилиб ташлаш мумкин эмас. Ҳеч қачон!.. Коммунистик идеалда бўлса бордир. Лекин у кўпроқ хом хаёл. Ҳозирча бадавлат ва ижтимоий тенгсизлик мавжуд экан, жиноятчилик бўлиши муқаррар. Бу сўзларни марксизмни тарғиб қилиш деб ҳисобламанг.

С. ЖУКОВ.

БУХОРОДА, ФЕСТИВАЛЬ

Куни кеча Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли маданият ва техниклар саройида Шарқ қўшиқлари фестивали очилди. Фестиваль тўрт кун давом этади. Унда Афғонистон жумҳурияти, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан ташриф буюрган эстрада чолғу асбоблари дасталари иштирок этади. Ғолиблар якунловчи концертда ўз санъатларини намойиш этадилар.

(Ўз мухбиримиздан).



ХАЁЛ ОҒУШИДА...

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ



СИРЛИ ЎЛИМ

1925 йил, 30 декабрда, шоир Сергей Есенин вафотидан икки кун ўтгач, Ленинградда чиқадиган «Красная газета» рўзномасида таъзияноmа пайдо бўлди. Муаллиф Борис Лавренёв рўй берган воқеани қотиллик, деб номлаган эди.

Маълумки, расмий манбаларда ҳозирга қадар шоир ўз жонига қасд қилгани кўрсатиб келинар, суд-тиббиёт экспертизаси натижалари ҳаққонийлигини ҳам мана 65 йилдирки, ҳеч ким шубҳа остига олгани йўқ. Хўш, унда юқоридаги таъзияномани қандай изоҳлаш мумкин! Икки хил мутлақо зид нуқтаи назарларнинг қай бири тўғри!

Қуйида мазкур муаммога ойдинлик киритишга кўнгилли равишда бел боғлаган киши — педагогика фанлари номзоди Александр МЕЛИКСЕТЯНнинг бу борадаги фикрини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Александр Сергеевич, сўнгги бир ярим-икки йил ичида жамоатчиликка шоир ўлимига доир анча баҳсли фактлар маълум бўлди. Уларга асосан шоир ўлдирилган. Фожиадан кейин жиноятни ёпиб юборишга интилиш, Есенин ижодий меросини рус адабиётидан ўчириш, номини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларда кўпчилик юқоридаги фикрнинг билвосита далилини кўрмоқда. Айтинг-чи, нега сиз, бир қарашда ёзувчилик, адабиётшуносликдан йироқдай кўринган одам, бу сирнинг тагига етишга киришдингиз!

Кўп йиллар давомида маълум белгиларга қараб, нотаниш шахс феъл-атворини, руҳиятини аниқлаш муаммоси билан шуғулланиб келаман. Бу ишимда кишининг дастхатини ўрганувчи фан — графология муҳим ўрин тутади. Кейинги икки йилларда шоирнинг фожиавий ўлими жамоатчиликни жуда қизиқтириб қолгани учун ҳозирги ишга бел боғладим.

— Кечирасиз, унчалик тушунмадим.

— Ҳозир тушунтириб бераман. Кунлардан бир кун «Огонёк» ойномасида Сталиннинг собиқ котиби Бажанов хотираларини ўқиб қолдим. Ўз ҳикоясида у РКП (б) XIII съездида Сталинга қарши овоз берган делегатларнинг дастхатига қараб, улар кимлигини аниқ айтиб берган бир «сирли чекист-графолог» ҳақида гапиради. Мантиқан ўйлаб кўрайлик. Бундай масъулиятли вазифа, биринчидан, фақат ўз ишининг билимдони, иккинчидан, ГПУга хизмат қилувчи кишигагина топширилиши мумкин эди. Менда ўша йиллар босмадан чиққан Д. М. Зуев-Инсаров қаламига мансуб «Дастхат ва шахс» деган китоб бор. Унда Есенинга жуда кенг ўрин берилган. Икки таҳлил деярли бир вақтда қилингани ва яна бир неча далилга таяниб мен «сирли чекист-графолог» ҳам, Есенин таърифининг муаллифи ҳам аслида бир киши эмасмикан, деган фикрга келдим.

— Александр Сергеевич, тушунишимча, сиз графология фани ўшанда сиёсатнинг ифлос ўйинида, яъни шоирни ёмон отлиққа чиқаришда муҳим роль ўйнаган, деган фикрни илгари сураяпмиз. Бироқ фақат сиздаги тахминларга таяниб, бундай қалтис хулоса чиқариш мумкинмикан!

— Яхши, бошқа мисол келтираман. Буниси сиёсатга доир. Мен 1971 йил Николай Иккинчининг руҳий-графологик таърифи билан танишиб чиққанман. Унга ишонадиган бўлсак, дунёда шу шоҳдан ёмон одам яшаб ўтмаган. Бироқ негадир оддий халқ унга «маъсум» деган ном берган. Ахир бундай номга бошқа ҳеч бир рус шоҳи сазовор бўлмаган-ку. Демоқчиманки, ўшанда маълум доираларга Николай Иккинчини обрўсизлантириш керак бўлиб қолган. Умуман сиёсатда графологиядан илгари кенг фойдаланилган.

— Бордию, ўша таъриф тўғри бўлса-чи! Буни қандай аниқлаш мумкин!

— Ёзувни қайтадан таҳлил қилиш керак. Аммо ҳозир графология соҳасида Зуев-Инсаровдек мутахассис йўқ.

— Бу шахс мени жуда қизиқтириб қолди. У ҳақда маълумот бера оласизми!

— Унинг Россия илмий графологик жамиятининг раиси бўлганидан ташқари аниқ бир гап айтолмайман. Жиноят қидирув органлари ишига фаол жалб қилингани, 30-йилларнинг охирларида вафот этгани маълум. Бироқ, батафсилроқ ахборот олиш учун ГПУ архивларини ўрганиш керак. Улар эса, ўзингиз биласизки, ҳалигача очилгани йўқ.

— Есенин тўғрисидаги тахминларни бироз бўрттириб юбормадингизми!

— Шоир ҳаётининг сўнгги ойлари, унинг ҳар бир қадамини текшириш, бўлар-бўлмасга айб қидираверишларини эсланг. Есенин жуда ишонган, камсуқум, камтар шоир Эрлих аслида НКВД капитани эканлиги бугун исбот талаб этмайди. НКВДда капитанликка кўтарилишнинг ўзи бўлмайди. Есениннинг ҳеч бир ҳаракати махсус органлар эътиборидан четда қолмаган. Ўйлаб кўринг, шоирнинг Петроградга қўққисдан жўнаб кетишини аслида ҳеч ким сезмай қолиши керак эди. Аммо хабар топишган.

— Бундан чиқди, сиёсатдан четда турган шоир ўзи билмаган ҳолда унга аралашиб қолган экан-да!

— Афсуски, шундай бўлиб чиқаяпти. Қишлоқ куйчиси, оддий деҳқонларнинг руҳий дунёсини, маънавий кучини таърифлаган шоир ўзи ҳам сезмай деҳқонларни, демак Русия қалбини йўқотишга қаратилган фирқанинг бош йўли билан зиддиятга киришган. Маълумки, 20-йиллар бошида мамлакат бўйлаб Троцкийнинг «Деҳқонлардан ишчилар армияси тузайлик» чақириғи тарқалди. Инқилоб етакчиси қишлоқ билан боғлиқ барча нарсага нафрат кўзи билан қарагани, ёшгина пролетар давлати қишлоқнинг асрлар давомида вужудга келган анъанаси, турмуш тарзи, хўжалик юритиш тартибига қарши очиқчасига уруш эълон қилгани ҳам сир эмас-ку. Бу нарса комсомол шоири Безименскийнинг: «Фабрика мушти билан қишлоқни янчиб ташлайлик!», деган эҳтиросидан ҳам кўриниб турибди. Аммо ҳаммасидан «Известия ЦК КПСС»да (1989 йил, № 1) чоп этилган А. М. Горькийнинг Н. И. Бухаринга 1925 йил 13 июлда йўллаган хати ўтиб тушади: «Қадрли ўрток, Сиз ёки Троцкий ишчи-ёзувчилар эътиборини бир нарсага қаратсангиз яхши бўлар эди: улар билан бир қаторда эндиликда деҳқон-ёзувчилари ҳам фаолият кўрсата бошлашди-ки, бу «икки оқим» ўртасида зиддият келиб чиқиши мумкин ва ҳатто муқаррардир. Бу ўринда ҳар қандай «цензура» фақат зарар келтирибгина қолмай, мужикпараст, қишлоқсеварлар мафкурасини кучайтиради, аммо мазкур мафкурани шафқатсиз танқид қилишни бир зум ҳам кечиктириб бўлмайди».

Есениннинг қишлоқ ҳаётини жаннатга тенглаштирган майин, жозибадор қўшиғи давр талабига мос келмаган.

Н. Клюев, С. Кличков, А. Ганин, П. Карпов, П. Радимов, П. Орешин, А. Ширяева, В. Наседкин, П. Васильев, И. Приблудний. Барчаси «меҳнаткаш деҳқонлар орасидан чиққан» шоирлар. Уларнинг етти нафари қатағон қилинган. Лекин биринчи бўлиб Есенин кетган.

«Шоир инқилобга қўшилиб кетолмагани учун ҳам ўлди». Бу гапни Есенин ўлимининг икки йиллиги муносабати билан бўлган маросимда Троцкий айтган. Албатта, улар Есенинни бўйсундиришни, уни ҳам «ишчилар армияси»нинг мадҳига айлантиришни жуда исташган.

Умуман шоир ҳаётига оид фактларни қайта кўриб чиқиш керак. Кишилар онгида у тўғрида нотўғри тасаввур ҳосил қилиш учун мафкурачилар, танқидчилар, ёзувчилар йиллар давомида тер тўкишган. Бу ишга Бухарин ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Унинг бир маърузасидан сўнг Есенин ижоди оз эмас, кўп эмас, роса 30 йилга «унутилиб» кетди. 70-йилларда педагогика фанлари академиясига бир аёлдан хат келганди. У «ароқхўр, маънавий бузуқ кишининг» ижодини тарғиб қилишга чек қўйишни талаб қиларди...

Суҳбатимизнинг бошида сиз нега бу ишга қўл урганимни сўрадингиз. Менга бундай хатлар, Есениннинг Москвадаги музейида ёнғин чиқиши, «Англетер» меҳмонхонасининг бузилиши, шоирнинг ўлими ҳақидаги қалбаки ҳужжатлар, ҳақиқатни рўёбга чиқаришдаги сансоларлик, архивларнинг ёпиқлиги— барча-барчаси ҳақоратдай туюлади. Бироқ ҳаммасидан ҳам оғирроғи, шоир ўз жонига қасд қилган, деган сафсатадир.

Суҳбатни А. КОЛЕСНИКОВ
В. ТЕРЕХИНА олиб боришди.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» рўзномасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ, «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходимлари Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, Ф. ТУРНИЁЗОВлар.

Рўзноманинг бу сонига фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими мудири З. РИХСИЕВ, масъул котиб ўринбосари Р. ШАРОПОВ, шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири, С. СИРОЖИДДИНОВ, мусаҳҳиҳлар И. ҲАМРОЕВ, С. СОЛАЕВА, У. ЖАМОЛОВА, Ф. АЛИМОВлар навбатчилик қилишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 23585.